БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 36 (17.029). ● 11 февраль 1978 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

10 февраль куни академик М. В. Келдиш раислигида комитетнинг пленуми бўлди. Пленум ишида таниқли олимлар ва СССР халқ хўжалигининг ходимлари қатнашдилар.

Пленум 1978 йилда Ленин мукофотини олишга тақдим этилган ишларни кўриб чиқиб, шулардан конкурсда қатнаштирмоқ учун энг машҳурларини танлаб олди.

Шу ишлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

НИНА ЕРШОВА: БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА 12 ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛАДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Нина Васильевна Ершова беш йиллик топшириғини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Донгдор меҳнатчи деярли айни бир вақтда ўз ҳаётидаги иккинчи бир қувончли воқеани нишонлади — у тўқувчи Виноградовалар мукофотининг лауреати бўлди.

10 февраль куни комбинатда митинг бўлиб ўтди. Пешқадам ишчи аёлни мусобақадош дугоналари, инженерлар ва мастерлар, ёш ишчи қизлар самимий табрикладилар. Бу ишчи қизларнинг кўпларига Нина Васильевна меҳнат ҳаётига йўлланма берган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Енгил саноат министрлиги Н. В. Ершовага йўллаган табрикномалар қарсаклар билан кутиб олинди.

Сўзга чиққан нотиқлар Нина Васильевна ишлаб чиқаришнинг чинакам новатори эканлиги ҳақида гапирдилар. У мамлакатдаги илғор тўқувчиларнинг тажрибасини ижодий қўлланиб, ҳозирги вақтда типовой нормада белгиланган 24 ўрнига 56 станокка хизмат қилмоқда ва беш йиллик бошидан буён бир ярим миллион метрдан кўпроқ газлама тўқиди. Ана шу маҳсулотнинг деярли ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Донгдор меҳнатчи ёшларни тарбиялашга, жамоат ишларига кўп вақтини сарфламоқда.

Комбинатда кўп станокчиларнинг издошлари кун сайин ортиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби ана шу ҳаракатни кучайтириш учун янги омил бўлганлиги митингда таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги вақтда корхонадаги чеварлардан 1112 киши зич график асосида ишламоқда.

Н. В. Ершова ўз меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдириб, шу беш йилликда 12 йиллик топшириқни бажариш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди.

(ЎзТАГ).

БЎШ ВАҚТ— ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Қизғин ва самарали ўтган меҳнат ҳафтаси орқада қолди. Мана, бугун шанба, эртага якшанба... Миллионлаб совет кишиларини ҳаётнинг муҳим томони — бўш вақт, дам олиш куни кутиб турибди. Ким стадионга— спорт мусобақасига, ким театрга — янги спектаклга ҳозирлик кўра бошлайди. Сўнг мароқли ва мазмунли ўтган икки дам олиш кунининг эртасига — душанбада одамлар бир-бирлдан сўрайди: «Қандай дам олдингиз?».

Мамлакатимизда амалга оширилган муҳим ижтимоий тадбирлардан бири — КПСС XXIII съезди қарорларига мувофиқ, беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш бўлди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш социал сиёсатимизнинг жуда катта соҳасидир».

Бўш вақт — жамиятнинг улкан бойлиги. Ўз вақтида Карл Маркс, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги унинг бўш вақти билан белгиланади, деб таъкидлаган эди. Бизнинг социалистик жамиятимиз энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиб, кенг аҳолига ижод билан шуғулланиш учун кўпроқ вақт ажрата бошлади. Бу жуда катта ижтимоий сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Меҳнаткашлар ўзларининг бўш вақтларида маънавий дунёсини бойитиб, меҳнатда қувончли самараларни қўлга киритмоқдалар.

Бунёдкор ва ижодкор совет кишиларининг моддий ва маданий даражаси тобора ортиб, уларнинг инсоният томонидан тўпланган маънавий бойликдан баҳраманд бўлишга, ижодий фаолиятга, ахлоқий ва жисмоний баркамолликка интилишлари янада кучаймоқда. Бу билан ривожланган социалистик жамият шароитида меҳнаткашларнинг бўш вақти аҳамияти ва қиммати ҳам ортяпти. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтишнинг жорий этилиши туфайли меҳнаткашларнинг асосий қисми бир йилда қарийб юз кун дам олиш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирги вақтда корхоналар ва ташкилотларда, колхозлар ва совхозларда меҳнаткашлар турмушининг барча томонларини яхшилашни назарда тутувчи муҳим ташкилий ва оммавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва эстетик руҳда тарбиялаш, уларни умумий таълим ва турли техник ўқишларга, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланишга кенг жалб этиш ғоят фойдалидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўш вақт ва унинг имкониятларидан кишилар ва жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш шу куннинг ғоят муҳим вазифаларидан бири саналади.

Эндиликда қудратли идеологик қурол бўлган маданий-оқартув муассасалари кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнамоқда. Бугунги кунда республикамизда кўплаб маданият уйлари ва саройлари, клублар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари самарали ишлаб турибди. Шуниси қувонарлики, ана шундай маданият ўчоқларида турли касб эгалари бир-бирлари билан мулоқатда бўладилар, коллектив бўлиб ҳордиқ чиқарадилар ва ўзаро маънавий бойликлар яратишда фаол иштирок этадилар. Бу борада Тошкент тўқимачилик комбинатининг Маданият саройи, Навоий шаҳридаги бир қатор маданият уйлари, Фарғона область кутубхонаси, Норин районидаги «Октябрь» колхози клуби бой тажриба тўплаган.

Бироқ шундай корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозлар ҳам боркн, меҳнаткашларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказилишига етарли эътибор берилмайди, улар учун қулай шарт-шароитлар яратилмайди. Меҳнат аҳли қандай дам оляпти? Бўш вақтларини қандай ўтказишмоқда? Бу муҳим масала айрим ташкилот ва хўжалик раҳбарларини ташвишга солмаётгани ачинарлидир. Газетхонлардан бир гуруппаси Боёвут районидаги Ленин номли колхознинг Ленин номли участкасидаги клуб деярли яроқсиз аҳволга тушиб қолгани, кутубхона эса «ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетгани» ҳақида ёзиб юборишган. Хўжалик раҳбарлари бу камчиликларга барҳам бериш ўрнига, қуруқ ваъдабозлик қилишмоқда. Шунингдек. Ульянов районидаги 31-совхозга қарашли Қарлиқ қишлоғида, Олтиариқ районидаги «Ленинизм» колхозида ҳам меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига етарли ғамхўрлик кўрсатилмаётир.

Ҳамма жамоат ташкилотлари ҳам кишиларга бўш вақтларининг мазмунли ва мароқли ўтишига яқиндан ёрдам беряпти, деб бўлмайди. Нима учун шанба ва якшанба кунлари қизиқарли сафарга чиқиш, лекциялар ташкил этиш, театр ёки музейларга коллектив бўлиб бориш, бошқа хилма-хил сермазмун машғулотлар уюштириш мумкин эмас?! Ахир, дам олиш кунларида партия, касаба союз ва комсомол комитетлари, маданият ходимлари ва уй бошқармалари ташкилий тарбиявий ишларни қизитиб, фойдали ўтказишга даъват этилганлар-ку! Баъзан шундай фактларга ҳам дуч келиш мумкинки, мақсадсиз ва бефойда ўтган бўш вақт кишининг ўзига ҳам, жамиятга ҳам зарар етказади. Кўпроқ ҳар хил кўнгилсиз воқеалар бекорчилик, ичкиликбозлик оқибатида содир бўлади. Ичкиликка қарши кураш қисқа муддатли кампания эмас. Фақат давлат органлари билан жамоатчилик биргаликда изчил кураш олиб боргандагина, бу иллатга чек қўйиш мумкин. Бунинг учун эса жойларда ташкилий-тарбиявий, маданий-оқартув ишлари намунали йўлга қўйилиши керак.

Ҳозирги шароитда меҳнаткашларнинг дам олиши биргина газета ёки журнал ўқиш, телевизор томоша қилиш ёки кинофильм кўриш билан белгиланмайди. Ҳар бир кишининг маданий савиясининг ошиши айни вақтда мунтазам равишда бадиий ва махсус адабиётлар мутолаа қилиш, театр, музей ва кўргазмаларга ташриф буюриш билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан, маданият дурдоналари билан яқиндан танишишнинг бу фаол формасини янада кенг ёйиш керак.

Коммунистик қурилиш кўлами кенг қулоч отган сари бўш вақтдан самарали фойдаланишда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари катта аҳамият касб этиб боряпти. Кўнгилли ва мароқли ҳордиқ чиқариш меҳнатда янги-янги самаралар бераётир.

КПСС XXIV ва XXV съездлари турмушда хотин-қизлар меҳнатини енгиллатиш бўйича муҳим тадбирлар белгилади. Бунда, айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ва кенгайтириш, хизмат системаларини ривожлантириш, оилада вақтни тежаш мақсадида ярим-фабрикатлар ишлаб чиқариш, уйларни газлаштириш, кир ювиш машиналари билан таъминлаш алоҳида роль ўйнайди. Натижада аёлларнинг бўш вақтлари ортиб, маданий-оқартув муассасаларида маънавий камол топмоқдалар, бебаҳо маданият дурдоналаридан баҳраманд бўлмоқдалар.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт бўш вақтдан фойдаланишнинг яна бир йўли—кечки ва сиртқи таълим олишни бундан буён ҳам ривожлантириб бориш билан боғлиқ. Республикамизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билим ва малакасини ошириб, олий маълумотли мутахассис бўлиб етишаётган ёшлар сони тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бироқ баъзи ташкилот ва хўжалик раҳбарлари масаланинг ана шу муҳим томонига етарли эътибор бермай, сиртдан ва кечки ўқиётган йигит ва қизларга ўқиш учун шарт-шароитлар яратмаётирлар. Бундай ҳолларга чек қўйиш керак. Кўнгилли ҳордиқ чиқаришда меҳнаткашлар оммасини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш катта аҳамиятга эга. Айниқса, барча ёшларни спортнинг ҳамма турларига тортиш ғоят муҳимдир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1978—1980 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планида кўзда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ҳамда муддатидан илгари ишга тушириш учун социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан бир қанча республикалар, ўлкалар, областлар ва шаҳарлар қурилиш ташкилотлари, лойиҳачилари, саноат ва транспорт корхоналари коллективларининг ташаббуси тўғрисида

Москва, Ленинград шаҳарлари ва Ленинград области, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР ва Литва ССР, Бошқирдистон АССР, Хабаровск ўлкаси, Липецк, Мурманск, Омск областлари, Киев шаҳри, Запорожье ва Гомель областлари қурилиш ташкилотлари, лойиҳачилари, саноат ва транспорт корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида»ги Мактубига жавобан — 1978—1980 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларида кўзда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ҳамда муддатидан илгари ишга тушириш учун уй-жой бинолари, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектларнинг бир моромда қурилишини ва ишга туширилишини таъминлаш учун бошланган социалистик мусобақани «Ишчилар эстафетаси» принципи асосида авж олдириб юбордилар.

Олинган комплекс социалистик мажбуриятларда шу республикалар, ўлкалар областлар ва шаҳарларда ўнинчи беш йилликнинг қолган уч йили мобайнида 750 тага яқин йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини, шу жумладан 1978 йилда 261 та ана шундай қувват ва объектни ишга тушириш, уларнинг қарийб ярмисини планда белгиланган муддатлардан эртароқ фойдаланиш учун топшириш мўлжалланади. 1979 ва 1980 йилларда қурилиш муддатларини анча қисқартириш кўзда тутилди.

КПСС Марказий Комитети Москва, Ленинград шаҳарлари ва Ленинград области, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР ва Литва ССР, Бошқирдистон АССР, Хабаровск ўлкаси, Липецк, Мурманск, Омск областлари, Киев шаҳри, Запорожье ва Гомель областлари қурилиш ташкилотлари, лойиҳачилари, саноат ва транспорт корхоналари коллективларининг 1978—1980 йиллардаги планларда кўзда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ва муддатидан илгари ишга тушириш ҳамда уй-жой биноларини ва социал ҳамда маданий объектларни бир маромда қуриш ва фойдаланиш учун топширишни таъминлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига ва касаба союзларининг тегишли Марказий Комитетларига меҳнат коллективларида планда кўзда тутилган энг муҳим қувватлар ва объектларни ўз вақтида ҳамда муддатидан илгари ишга тушириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш юзасидан зарур ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий иш ўтказиш тавсия этилди.

Қарорда СССР Госпланига, СССР Госснабига ҳамда тегишли министрликлар ва идораларга 1978—1980 йиллар учун коллективлар қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирларни амалга ошириш топширилди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари қишки ишларни омилкорлик билан давом эттирмоқдалар. Миришкорлар 1815 гектар майдоннинг шўрини ювиб, экиш мавсумига ҳозирлаб қўйиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Бунинг учун кучли насос станцияларидан фойдаланилаётир. Ҳар бир сувчи кунига 2-2,5 гектар ернинг шўрини ювишга муваффақ бўлмоқда. Суратда: тажрибали сувчи Ражаббой Рўзметов.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ИРРИГАЦИЯ ҚУВВАТЛАРИ ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШИРИЛСИН

Тошкентда «Узглавводстрой» партия-хўжалик активининг республика йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ишида қурилиш индустрияси корхоналарининг, трестларнинг, кўчма механизациялашган колонналарнинг, қурилиш-монтаж бошқармаларининг илғор комплекс бригадаларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик органларининг вакиллари, олимлар, лойиҳа институтларининг мутахассислари қатнашдилар. 1977 йилнинг якунлари ҳамда беш йилликнинг учинчи йили учун КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши бош бошқармасининг бошлиғи Н. Ғ. Қурбонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар мелиораторларнинг ўтган йили эришган муваффақиятларини қайд этиб, «Узглавводстрой» бўлинмаларида ҳали кўпгина резервлар борлиги, ана шу резервлардан фойдаланиш янги ирригация қувватларини қуриш ва ишга туширишни тезлаштириш имконини бериши тўғрисида гапирдилар. Жумладан, технология машина-ускуналаридан, ер қазиш техникасидан, машина паркларидан яхшироқ фойдаланиш, қурувчиларнинг ишлаб чиқариш базасини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

Беш йилликнинг уч йили учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планини СССР янги Конституциясининг бир йиллиги куни — 7 октябргача, 1978 йил топшириғини эса 20 декабргача бажариш юзасидан мажбурият қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДА ҲОРДИҚ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 февраль. (ТАСС). Бугун «Салют-6» — «Союз-27» орбитал илмий-тадқиқот комплекси экипажининг актив ҳордиқ чиқариш куни. Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко уйқудан кейиноқ кундалик медицина контроли туркумини ўтказдилар. Сўнгра экипаж станция ва кеманинг системалари ва агрегатларини профилактик кўрикдан ўтказиш ишларини бажарди.

Космонавтлар комплекс тренажер ва велоэргометрда жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Экипаж кун бўйи илгари бажарилган тадқиқот ва эксперимент натижаларини системалаштирмоқда, бортавий техника ҳужжатлари билан ишламоқда, ҳордиқ чиқармоқда.

Космонавтлар атроф-муҳитни ўрганиш программаси бўйича Ер юзини кузатишни давом эттирмоқдалар. Орбитал комплекс Ўрта Осиё республикалари устидан учиб ўтаётган пайтда экипаж тоғлик районлардаги музликлар ва қор қопламини визуал кузатди ва фотосуратга олди.

Романенко билан Гречко ўртоқларнинг сиҳат-саломатликлари дуруст ва улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. «Салют-6» — «Союз-27» космик комплексининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ, ВАТАННИ ҚУВОНТИРАМИЗ

10 февраль куни Тошкентда сабзавоткорлар, картошкакорлар, полизчилар, боғдорлар ва соҳибкорларнинг республика кенгаши бўлди. Кенгаш ишида мўл ҳосил усталари— юбилей йилидаги социалистик мусобақа ғолиблари, халқ селекциячилари, ихтисослаштирилган колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш-аграр бирлашмалари ва трестларининг директорлари, олимлар, партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар. Улар йил якунларини муҳокама қилиш, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг беш йиллик учинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби асосида ўз вазифаларини белгилаб олиш учун тўпландилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов очди.

Кенгаш қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уриинбоев, «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг раиси О. А. Алимов, академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори М. М. Мирзаев ўз докладларида ўтган йилнинг якунлари ҳамда 1978 йилда пайкаллар, полизлар, боғлар ва токзорлар маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан республика колхоз ва совхозларининг социалистик мажбуриятлари тўғрисида, шунингдек меҳнат коллективларида фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш вазифалари ҳақида гапирдилар.

Республика хўжаликларининг меҳнатчилари «1977 йилда партия билан ҳукуматнинг катта ёрдамига таяниб дуруст муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистонда салкам 4 миллион тонна, яъни 1976 йилгидан 212,5 минг тонна кўп боғ ва пайкал ҳосили етиштирилди. Бу эса мамлакатнинг йирик саноат марказларига деярли 800 минг тонна мева ва сабзавот жўнатиш имконини берди.

Сабзавот, картошка, мева етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Наманган ва Жиззах областларининг хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар. Узум етиштиришда Фарғона ва Сурхондарё областларининг деҳқонлари гектар бошига айниқса мўл ҳосил олдилар.

Докладчилар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаштиришни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш-аграр бирлашмалари фаолиятини яхшилаш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Бир қанча районларда сабзавот экинлари ҳамон кўпчилик хўжаликларда кичик-кичик участкаларга экилмоқда, бу эса механизмлардан фойдаланишни қийинлаштиради, кўп меҳнат сарф бўлишига олиб боради, маҳсулот таннархини оширади.

Андижон областидаги Киров номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори М. Мадиёров, Нукус ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори М. Иброҳимов ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг афзалликлари, сабзавот, мева, узум ҳосилдорлигини ошириш резервлари тўғрисида гапирдилар.

Ҳозир мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Бу эса ҳар бир коллективдан ишни айниқса пухта ташкил этишни талаб қилади. Жиззах районидаги «Коммунизм» совхозининг директори А. Турғунов, Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бош агрономи Ҳ. Ҳамиджонов барча агротехника тадбирларини энг яхши муддатларда ўтказиб олиш, сабзавот ва бошқа экинларнинг энг серҳосил янги навларини ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий этиш, экинларни парвариш қилишда механизмлардан самаралироқ фойдаланиш тўғрисида сўзладилар.

Илғорлар тажрибасини кенг ёйиш — ҳосилдорликни ошириш резервларидан бирндир. Бу гапни Булунғур район партия комитетининг биринчи секретари Э. Хидиров, Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» сабзавотчилик совхозининг директори Ҳ. Умурзоқов ўз нутқларида таъкидлаб ўтдилар. Улар оммавий касбдаги малакали кадрлар тайёрлаш системасини яхшилаш кераклигини уқтириб ўтдилар. Мўл ҳосил усталарининг иш усуллари баъзи жойларда ўрганилмаётганлигини қайд этдилар. Полизчилар илгари камайиб кетган қимматли навларни қайта тиклаётган халқ селекциячиларининг ютуқларини кенг жорий этишлари, ўзбек ковуни шуҳратини яна қайтаришлари лозим. Полизчиларнинг ўтган кузда бўлиб ўтган конкурсида ишлаб чиқилган тавсиялар амалий равишда рўёбга чиқарилиши зарур.

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров, Орджоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг боғбонлар бригадири У. Улуғхўжаева, Шаҳрисабз районидаги «Гулистон» колхозининг сабзавотчилар бригадири Ҳ. Худойқулов ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини ва унинг сақланишини яхшилаш учун қандай чоралар кўрилаётганлигини гапириб бердилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросi аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У шуни таъкидладики, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида ўртага қўйилган вазифаларга амал қилиб, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узумни етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш лозим. Бунинг учун ихтисослаштирилган хўжаликлар ва бирлашмаларда мавжуд бўлган катта-катта имконият ва резервларни ишга солиш зарур. Илғор тажрибани, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, моддий ва маънавий омиллардан моҳирона бирга фойдаланиш — олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш йўлидир. Ҳар бир хўжаликда юксак талабчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилиши лозим.

Республиканинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш, бу маҳсулотни мамлакатнинг саноат марказларига, Узоқ Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига кўпроқ етказиб бериш — сабзавоткорлар, боғдорлар, соҳибкорлар ва полизчилар катта армиясининг фахрли вазифасидир.

Ш. Р. Рашидов академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд областидаги «Боғизағон» совхози, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти, Тошкент областидаги «Огонёк» совхозининг коллективларига диплом ва медаллар топширди. Бу коллективлар ана шу диплом ва медалларга Германия Демократик Республикасининг Эрфурт шаҳридаги халқаро виставкада сазовор бўлган эдилар.

Кенгаш қатнашчилари беш йилликнинг учинчи йили учун социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу йил колхоз ва совхозларда 1 миллион 150 минг тонна сабзавот, 190 минг тонна картошка, 565 минг тонна полиз маҳсулоти, 285 минг тонна мева, 340 минг тонна узум етиштириш белгиланди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. Н. Греков, И. Р. Қурбонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. М. Мамарасулов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БИЛИМЛАРИНИ ОШИРДИЛАР

Республика қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларида машғулотлар тугади. 316 колхоз раиси ва 93 пахтачилик совхозининг директори Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ва Андижон пахтачилик институтида етакчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг лекцияларини тингладилар. Самарқандда қоракўлчилик совхозларининг 27 директори таълим олди.

(ЎзТАГ).

М. В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МЕДАЛЛАР

СССР Фанлар академиясининг президиуми 1977 йилги М. В. Ломоносов номли олтин медалларни математика ва механика соҳасидаги жуда катта ютуқлари учун академик М. А. Лаврентьев билан химия ва биохимия соҳасидаги жуда катта ютуқлари учун АҚШ миллий фанлар академиясининг аъзоси Лайнус Полингга беришга қарор қилди.

М. В Ломоносов номидаги олтин медаллар СССР Фанлар академиясининг олий мукофоти бўлиб, ҳар йили табиий фанлар соҳасидаги энг катта ютуқлар учун (биттаси совет олимига, биттаси чет эл олимига) берилади.

КАТТА ҒАЛЛА ХИРМОНИ УЧУН

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ УЧ ЙИЛДА БАЖАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

Яқинда областимиз қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди ва унда 1978 йил социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Қашқадарё деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини, шу жумладан, ғалла етиштиришни кўпайтиришга қарор қилдилар.

Областимиз экономикасида ғаллачилик хўжаликлари муҳим ўрин эгаллайди. Йилига 250-270 минг гектар майдонга уруғ сепиб, 200-250 минг тонна ғалла хирмони кўтарилади. Ўнта йирик совхоз, 30 бўлим, 600 га яқин бригада ғаллачиликка ихтисослаштирилган. Ғаллакорларнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланди. Колхоз ва совхозларда 1000 дан зиёд комбайн, кўплаб ғалла тозалаш ҳамда ерга ишлов бериш агрегатлари мавжуд.

Ғалла экинлари агротехникаси яхшиланди. Асосий агротехник ишлар учун сарфланадиган муддат анча қисқарди. Шу боисдан ғаллакорларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар. Чунончи, ўнинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида областимиз колхоз ва совхозлари 496 минг тонна ғалла, шу жумладан, 164 минг тонна маккажўхори дони етиштирдилар. Бу, тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилидагига нисбатан икки баравар кўпдир. Давлатга уч йиллик план миқдоридан зиёд — 265 минг тонна ғалла сотилди.

Ғалла етиштиришни кўпайтириш учун бизда катта имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз ғаллакорлари, шу жумладан, областимиз ғаллакорлари олдида суғориладиган ҳамда лалмикор майдонларда ғалла ҳосилдорлигини янада ошириш вазифаси турибди. Бу вазифа ҳамма хўжаликларда ҳам тўла амалга оширилаётир деб бўлмайди. Масалан, маккажўхори дони етиштиришни олиб кўрайлик. Биздаги илғор бригадалар гектаридан 100 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олмоқдалар. Область бўйича эса гектаридан 73 центнердан «каҳрабо дон» олишга муваффақ бўлинди. Лекин областдаги маккажўхоричилик бригадаларининг ярмидан кўпи областнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам кам — 50-60 центнердан дон олганлиги фикримизнинг далилидир.

1978 йилда областимиз бўйича ғалла ишлаб чиқаришни 480 минг тоннага етказиш кўзда тутилади. Ғаллакорларимиз қабул қилган юксак социалистик мажбурият ана шундай. Ваъдага вафо қилиш учун энг аввало қолоқ коллективларни илғорлар даражасига кўтариш лозим бўлади.

Кўзда тутилган мақсад икки йўналишда рўёбга чиқарилади. Биринчидан, экин майдонлари кенгайтирилади, бошоқли экинлар майдони 280 минг гектарни ташкил этади. Бу ўтган йилдагидан 12 минг гектар кўп демакдир. Суғориладиган майдонлар эса икки баравар кўпайтирилиб, 44 минг гектарга етказилади. Дала меҳнаткашлари суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан камида 50 центнердан ғалла олиш учун курашмоқдалар.

Иккинчи йўналиш — ғалла ҳосилдорлигини оширишдир. Шу мақсадда қатор агротехник тадбирлар белгиланди ва улар ишда изчиллик билан қўлланила бошланди. Жумладан ғаллазорларни озиқлантириш ва бороналаш кўзда тутилмоқда. Йиғим-теримгача ҳали фурсат бор. Шунга қарамай ғаллакорларимиз ҳозирданоқ ўрим-йиғимни юқори суръат ва сифат билан ўтказишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўтган йилдаги каби бу йил ҳам ўрим-йиғимни ипатоволик ғаллакорлар тажрибаси асосида ўрим ва транспорт звенолари усулида 15-20 иш кунида ўтказамиз. Бунга етарли тажриба тўплаганмиз. Ғаллакорларимиз техникани ўрим-йиғимга вақтида ва пухта тайёрлаш зарурлигини яхши тушунадилар. Апрель ойида комбайнлар ва дон тозалаш машиналари ремонти тугалланади. Ҳамма районларда комбайнчиларнинг ўқуви бошланди. Бу техникани икки сменада ишлатиш имконини беради.

Ғалла етиштиришни кўпайтиришда маккажўхори муҳим роль ўйнайди. Бу йил дон учун экиладиган маккажўхори майдонлари 3 минг гектарга кўпайтирилади ва у 15 минг гектарни ташкил этади. Гектаридан 100 центнергача маккажўхори дони олиниб, ялпи ҳосил 140-150 минг тоннага етказилади.

Аввалгидек бу йил ҳам «каҳрабо дон» етиштириш область комсомоллари оталигида бўлади. Ҳозирданоқ 230 маккажўхорикорлик бригадаси ташкил этилиб, райком бюроси тасдиғидан ўтказилди. Уларнинг аксарияти комсомол-ёшлар коллективларидир. Бу бригадалар учун серунум ерлар ва зарур техника ажратиб берилди. Ҳар бир райондан 5-6 бригада коллективи моҳир маккажўхорикоримиз Гулбаҳор Нуруллаева ташаббусига қўшилиб, гектаридан 130-140 центнердан дон олиш йўлида ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирмоқдалар.

Социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилди, илғорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш тадбирлари белгиланди.

Шунга қарамай Қашқадарё ғаллакорлари олдида баъзи қийинчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, бизда комбайнлар етишмайди. Кейинги йилларда ғаллазорлар 30 минг гектарга кенгайгани ҳолда, комбайнлар кўпайгани йўқ, аксинча камайди. Ҳозирда 280 минг гектар ғаллазорга 1000 комбайн тўғри келади. Демак, ҳар бир комбайн билан 280 гектар майдондан ғаллани йиғиштириб олиш керак. Баъзи хўжаликларда эса 300-320 гектар ғаллазорга бир комбайн тўғри келади. Етиштирилган ҳосилни ана шундай шароитда 15-20 иш кунида йиғиштириб олиш қийин, албатта. Агрегатларнинг нормал ишлатилишини таъминлаш учун бизга яна камида 400-500 комбайн зарур.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ғалла тозалаш заводларида ва омборларида механизациялаштирилган дон тозалаш механизмлари қурилиши учун ажратилган капитал маблағларни, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси эса уларни асбоб-ускуналар билан таъминлашни қайта кўриб чиқсалар яхши бўлар эди.

Областда баҳорги экинлар экишга тайёргарлик суръати тобора кучайтирилмоқда. Техника ремонти тугалланай деб қолди. Ғаллакорлар кўтаринки руҳ билан меҳнат қиляптилар. Бу, ғалладан янада юқори ҳосил олиш ва олинган социалистик мажбурият — давлатга дон сотиш юзасидан беш йиллик планни уч йилда муваффақиятли бажаришнинг муҳим гаровидир.

Р. ҒОИБОВ,
Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари.

МУҚОБИЛ ПЛАН АСОСИДА

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Совет Иттифоқи меҳнаткашларига қарата Мактубини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Жиззахликларнинг митинг ва йиғилишларида меҳнаткашларнинг 10 мингдан зиёд вакиллари қатнашдилар. 1256 киши сўзга чиқди. 1978 йил топшириғини муддатидан олдин бажариш юзасидан муқобил планлар қабул қилинди. Муқобил планга кўра, меҳнат коллективлари 665 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташишга, белгиланганидан ташқари 7,7 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар. Шахсий мажбуриятлар олаётганлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми республикада музика санъатини ривожлантириш, ижодий ходим кадрларини тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг профессори, композитор Борис Исаакович **Зейдманга** «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

1978 йил 10 февралда Белоруссия ҳарбий округи қўшинларининг Минск, Орша, Полоцк районидаги машқи тамом бўлди.

Машқ олдига қўйилган мақсадларга эришилди.

Машқда қатнашган қўшинлар ўз жойларига қайтмоқдалар.

Бельгия, ГДР, ГФР, Нидерландия, ПХР, Буюк Британия, АҚШ, Франция, ЧССР ва Швейцария қуролли кучларидан машқда ҳозир бўлган кузатувчилари Совет Иттифоқидан жўнаб кетишди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Орджоникидзе районидаги маиший хўжалик буюмлари фабрикасида ёғоч қошиқлар ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Бу ерда энг қийин иш жараёнлари машиналар зиммасига юкланган. Уларни Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги давлат махсус бадиий конструкторлик-технология бюроси коллективи яратган.

Янги цех ҳар ойда савдо тармоқларига 22 минг донадан ортиқ ёғоч қошиқлар юборади. Суратда: цех назоратчиси Г. Ягафарова маҳсулот сифатини текширмоқда.

Г. Пун ва И. Чернов фотоси. (ЎзТАГ).

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ КЕНГАШЛАР

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети касаба союзлари Тошкент область Советининг доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларига қандай раҳбарлик қилаётгани ҳақидаги масалани қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда бу соҳадаги ижобий тажриба таъкидланди. Областда ҳар йили ана шу кенгашлар активининг семинарлари, турли кўриклар ўтказилмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинати ип йигирув фабрикасида доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгаши самарали иш олиб бормоқда. Сўнгги пайтларда ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий-ташкил этиш бўйича бу ерда амалга оширилган ишлар юмшоқ ўров участкасида меҳнат унумдорлигини 5 процент кўтариш имконини берди.

В. П. Чкалов номидаги авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон техника, «Ташсельмаш» заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узбекшахтострой», «Чиноз» наслчилик совхози сингари коллективларда ҳам доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари намунали иш олиб бориб, техника тараққиётини жадаллаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

ХАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, касаба союзлари Советлари ва комитетлари бу соҳада муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг хатларида кўтарилган масалаларни ишчанлик билан ҳал этиш яхшиланди. Кўпгина хатларни қараб чиқиш жараёнида иш вақтидан ташқари пайтларда, дам олиш ва байрам кунлари бажарилган ишларга ҳақ тўлаш, мукофотлаш вақтида рўй берган камчиликлар бартараф этилди. Меҳнат ҳақидаги қонунларни бузган айрим шахсларга нисбатан турли жазо чоралари кўрилди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети қабулхонасига ўтган йили шахсий масалалар билан 160 киши мурожаат этди. Улар ўртага қўйган масалалар ўз вақтида ҳал қилинди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети секретариати меҳнаткашларни қабул қилиш ва уларнинг хатларини қараб чиқиш соҳасидаги сўнгги бир йиллик иш якунларини қараб чиқди. Бу ишни янада яхшилаш чоралари белгиланди.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Касаба союзлари Самарқанд область Совети колхозлар касаба союз комитетларининг раислари ва активлари учун бир ҳафталик семинар ўтказди. Семинарнинг 100 дан ортиқ қатнашчилари учун касаба союз, суд, прокуратура органлари ходимлари хилма-хил темаларда лекция ўқидилар. Семинар қатнашчилари «Москва» колхози касаба союз комитетининг иш тажрибаси билан ҳам танишдилар.

ҚАНОТЛИ ПИЁДАЛАР ЖАНГГА КИРДИ

«Шимолликлар» ҳужумни кучайтириб, 8 февраль эрталаб «Жанубликлар»нинг тайёрлаб қўйган мудофаа марраларига чиқиб олдилар. Тун давомида улар резервларни етказиб келтирдилар, куч ва воситаларни қайта гуруҳладилар, ҳужум қилишга ҳозирлик кўрдилар.

...Мотоўқчи бўлинмаларидан бирининг комсомол ташкилотчиси қисқа қилиб бундай деди: «Машқдаги вазифа равшанми, йигитлар!» Унга: «Албатта!» — деган жавоб берилди.

Комсомол аъзоси, кичик сержант Николай Косияник ҳамманинг фикрини ифодалаб бундай деди:

— СССР Конституциясида социалистик Ватанни ҳимоя қилиш СССР ҳар бир гражданинининг муқаддас бурчи эканлиги ёзиб қўйилган. Қуролли Кучлар юбилейи арафасида биз жангчилар Октябрнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доимо тайёр эканлигимизни иш билан исботлашимиз лозим.

Николайнинг ибрат олса арзийдиган одамлари бор. Унинг отаси, уруш ветерани Иосиф Михайлович ўзининг машаққат билан босиб ўтган оловли чақиримларини Кенигсберг яқинида ғолибона туғаллаган эди.

Машқдаги барча жангчилар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни баланд руҳ билан бажармоқдалар. Ҳар бир жангчи: фронтдагидек ҳаракат қиламиз, — деган шиорни дилига жо қилиб олган.

«Жанубликлар» рақибининг бош кучлари силжишини барбод қилиш учун вертолётларни ишга соладилар. Аммо «Шимолликлар» артиллерия ва авиация мадади билан танклар ортидан шитоб билан атака қиладилар. Ҳужум шиддатли бўлди. «Шимолликлар» рақибнинг муҳим объектларини яксон қилиш учун дарҳол десант туширдилар.

Десантчилар! Булар — бениҳоя довюрак, матонатли, қаҳрамон кишилар бўлишади. Бу мард ва ташаббускор кишилар асло кутилмаган жойларда пайдо бўлиб қоладилар. Машқ эндигина кучайиб бораётган куни биз десантчилар билан танишган эдик.

— Биз ҳақимизда нималарни ҳам ёзардингиз? — деди ҳарбий десант билим юртини бултур битириб чиққан гвардиячи лейтенант Николай Филонов ажабланиб. — Ҳали биз ҳеч қандай хизмат кўрсатганимиз йўқ. Командирларимиз — бошқа гап!

Дарҳақиқат, десантчиларнинг командирлари абжир кишилар экан, уларнинг қайбирини қаламга олсак экан? Аълочи бўлинманинг гвардиячи майори Анатолий Забабуринними ёки бошқа бир аълочи бўлинманинг командири гвардиячи майор Виталий Забабуринними? Улар шунчаки фамилиядошлар эмас — бугун ғолиб бўлиш ҳуқуқини олиш учун имтиҳондан ўтаётган ака-укалардир.

Мана, осмонда парашютлар очилди. Десантчилар жангга кириб кетишди. Абгор бўлиб, руҳи тушган «Жанубликлар» чекина бошладилар. Танк колонналари қанотли пиёдалар муваффақиятини ривожлантириб, рақиб кетидан қувишга киришдилар.

«Березина» машқи давом этмоқда.

П. ВЕРЕЖКОВ,
В. ДУТОВ,
О. МОСКОВСКИЙ,
ТАСС махсус мухбирлари.
8 февраль.
Машқ райони

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда Л. Н. Смирнов раислигида СССР Олий судининг пленуми бўлиб ўтди.

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг саккизинчи сессиясида СССР Олий судининг янги состави сайланганлиги муносабати билан пленум СССР Олий суди суд коллегияларини тузди. Коллегиялар раислигига қуйидагилар тасдиқланди: граждан ишлари бўйича — В. И. Замятин, жиноий ишлар бўйича — А. М. Филатов, ҳарбий ишлар бўйича юстиция-генерал майори Г. И. Бушуев.

Шундан кейин пленум «СССРнинг янги Конституцияси ва суд ишларини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида» СССР Олий судининг раиси Л. Н. Смирновнинг докладини муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда совет жамияти ва давлатининг ўз тараққиётида янги босқичга ўтганлигини қонун билан мустаҳкамлаган СССР Конституцияси қоидалари одил судловни янада такомиллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, давлат манфаатларини, социалистик мулкни қўриқлашда, давлат ва меҳнат интизомига риоя қилишда, шунингдек гражданларнинг Конституцияда ёзилган ва гарантияланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишда судларнинг ролини ошириш чоралари кўришни талаб қилади, деб уқтириб ўтилган.

Пленум Конституциядаги мана шу нормалар ва талабларга ҳеч сўзсиз риоя қилиш муҳим эканлигига судларнинг эътиборини жалб қилди. Ерни, ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан рационал фойдаланиш чораларини амалга ошириш тўғрисида Конституцияда белгиланган қоидаларга амал қилиб, судларнинг эътибори табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунларнинг бузилганлигига доир ишларни тўғри ва ўз вақтида қараб чиқишга жалб этилди.

СССР Конституцияси совет кишиларининг гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берганлигини назарда тутиб, пленум меҳнат, уй-жой, никоҳ-оила тўғрисидаги қонунларга изчиллик билан риоя қилинишини, мулкий низолар тўғри ҳал этилишини, авторлар, ихтирочилар, рационализаторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим эканлигига судларнинг эътиборини жалб этди. Пленум гражданларнинг суд ишлари юзасидан мактубларини, шикоят ва аризаларини қараб чиқишга эътиборни кучайтиришни судлардан талаб қилди.

Одил судловнинг СССР Конституциясида белгиланган демократик принципларига оғишмай амал қилиш, барча гражданларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, гражданлик ва жиноий ишларни кўришда ошкоралик ва коллегиалчиликни таъминлаш судларнинг бурчи эканлиги уқтириб ўтилди.

Судларнинг фаолияти, деб таъкидланади қарорда, Конституция эълон қилган социалистик қонунчилик принципларига, судлар ҳамда халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунишни принципларига қаттиқ риоя қилишга асосланиши керак.

СССР Олий судининг пленуми, шунингдек контрабанда тўғрисидаги ишлар юзасидан суд практикаси тўғрисида СССР бош прокурорининг таклифини муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи қонунларни татбиқ этишнинг асосий масалалари юзасидан судларга асосий изоҳлар берилди.

Пленумда граждан ва жиноий ишлар бўйича суд қарорларига СССР Олий суди раиси ва СССР бош прокурори томонидан берилган протестлар кўриб чиқилди.

Пленум ишида СССР бош прокурори Р. А. Руденко қатнашди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲАЁТ ТАЛАБИ

МУҲИМ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИР

Олий ўқув юртлари халқ хўжалиги эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида давлат планлари асосида студентлар қабул қилиш кўламини муттасил кенгайтириб бормоқда. Биргина 1977 йилнинг ўзида республикамиздаги барча олий ўқув юртларига 51,7 минг нафар киши ўқишга қабул қилинди. Кундузги бўлимларга кириб ўқишни истаган 107,7 минг йигит ва қиздан ариза тушди. Шулардан ўз қобилиятларини кўрсата олган 31,5 минг киши ўқишга қабул қилинди. Уларнинг 1447 таси кириш имтиҳонларини «аъло», 6929 киши «аъло» ва «яхши» баҳоларга топширдилар. Кундузги ўқишга қабул қилинганларнинг 28,7 проценти ишлаб чиқариш стажига эга бўлган ва Совет Армиясида хизмат қилиб қайтган ёшлардир. Ишчи ва колхозчилар ҳамда уларнинг фарзандлари қабул қилинганларнинг 66,5 процентини ташкил этади. Бу рақамлар республикада олий ўқув юртларига студентлар қабул қилиш соҳасида катта ишлар қилинаётганлигидан далолат бериб турибди. Юқори савияда ва сифатли ўтказилган қабул келажакда юксак малакали мутахассислар етиштиришнинг муҳим омилидир.

Аммо яқинда республика Халқ контроли комитети томонидан баъзи олий ўқув юртларида ўтказилган текшириш студентлар қабул қилиш масаласида ҳали ҳам жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатди. Айрим олий ўқув юртларининг раҳбарлари студентлар қабул қилишнинг ташкилий масалаларига кам эътибор бермоқдалар. Ҳунар ва мутахассислик танлаш бўйича жойларда тегишли тарғибот ишлари олиб бориш яхши ташкил этилмаяпти.

Бир қатор олий ўқув юртлари областлар бўйича студентлар қабул қилиш план-топшириқларини тўлиқ бажармаяптилар. 1977 йилда Самарқанд Давлат университети 3 область бўйича, архитектура-қурилиш институти 5 область бўйича план-топшириқларини бажармади.

Танланган мутахассислиги бўйича иш стажи бўлган ёшларни қабул қилиш вазифаси ҳамон етарлича бажарилаётгани йўқ. Айрим корхона, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар улар томонидан стипендия тўлаш шарти билан ёшларни олий ўқув юртларига йўллаш ҳақидаги кўрсатмаларни суст бажармоқдалар. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли институтларга 1977 йилда 12775 нафар студент қабул қилинган бўлса, фақат 456 киши (ёки 3,5 процент) корхона ва ташкилотлар томонидан стипендия тўлаш шарти билан йўлланма асосида ўқишга қабул этилган. Бу кўрсаткич Тошкент Политехника институти бўйича 3 процент, СамДУ ва Тошкент Электротехника алоқа институти бўйича 2 процентни ташкил этди. Педагогика институтларига эса бу тоифадаги абитуриентлар деярли қабул қилинмаган.

Айрим олий ўқув юртларида қабул имтиҳонларини ўтказишда муҳим роль ўйновчи предмет комиссиялари кечикиб ташкил этилмоқда. Бу комиссиялар ёзма имтиҳон ишлари вариантлари ва оғзаки имтиҳон билетларини тузишда баъзи нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Масалан, Тошкент Политехника институтида физикадан олинган имтиҳондаги назарий саволлар бу предмет бўйича мавжуд программанинг фақат бир бўлимигагина ҳосдир, математика бўйича имтиҳон иши вариантлари эса эскирган программа асосида тузилган.

Имтиҳон предмет комиссияларининг состави масаласида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тошкент Политехника институтида СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг имтиҳон комиссиялари ишига бир ўқитувчини кетма-кет икки йилдан ортиқ жалб қилмаслик ҳақидаги кўрсатмаси бузилмоқда. Бу институтда математика ва физика бўйича имтиҳонларга кўпгина ўқитувчилар сурункасига 3-5 йил мобайнида жалб этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчи Т. Мирзаев эса кейинги 9 йилнинг 8 йили давомида кириш имтиҳонлари қабул қилиб келган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида 15, Андижон Тиллар педагогика институтида эса етти нафар ўқитувчи шу зайл 3-4 йил давомида сурункасига кириш имтиҳонлари қабул қилаверган. Бу фактлар баъзи институтларда имтиҳон қабул қилувчиларни танлаш ва улардан фойдаланиш масаласига етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатади.

Қабул имтиҳонларини ташкил этишда ва уларнинг жадвалини тузишда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Тошкент Политехника институтида баъзан қабул имтиҳонларига тайёргарлик учун фақат 2 кундан вақт берилган, холос. Консультациялар жуда кеч, 15 июлда бошланган. Имтиҳон олувчи ўқитувчиларнинг айримлари бўш бўлишларига қарамай, бошқалари бир кунда 25-30 ўрнига 80 дан тортиб 120 тагача ёзма ишларни текширган. Оқибатда ёзма ишларни баҳолашда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Тошкент Электротехника алоқа институти, Самарқанд Давлат университети ва Андижон Тиллар педагогика институтида кириш имтиҳонлари пайтида қоидага хилоф равишда иншони диктант билан алмаштириш ҳолларига йўл қўйилган.

Барча текширилган олий ўқув юртларида ҳеч қандай асосли ҳужжатлари бўлмай туриб, белгиланган вақтда имтиҳонларига келмаган абитуриентлардан якка-якка ҳолда имтиҳон олиш фактлари аниқланди. Жумладан, Тошкент Политехника институтида ўтказилган қабул вақтида 388 та абитуриент кириш имтиҳонларини ўқитувчиларга жадвалдан ташқари, якка-якка ҳолда топширган. Яна қизиғи шундаки улар ичида аввал имтиҳондан йиқилиб чиққанлари ҳам кўп.

Текширилган 5 та ўқув юртининг ҳаммасида ёзма имтиҳон ишларини баҳолашда амалдаги қоидалар қўпол равишда бузилган, кўпинча баҳолар ошириб юборилган. Ўқитувчилар томонидан қўйилган баҳолар ёзма ишларнинг мазмунига монанд эмас. Масалан, Тошкент Политехника институтида 1977 йил ёзида математикадан қабул имтиҳонларини топширган 1019 абитуриентнинг имтиҳон ишлари қайта текширилиб кўрилганда улардан 180 таси (ёки 18 проценти) холис баҳоланмаганлиги аниқланди. Физика бўйича қайта текшириб кўрилган 1087 ёзма имтиҳон ишларининг 214 таси (ёки 20 проценти) ҳам нотўғри баҳоланган. Бундай аҳвол она тили ва адабиёт ҳамда химия фанлари бўйича қабул имтиҳонларида ҳам содир бўлган.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида математикадан олинган 325 та имтиҳон иши қайта текшириб кўрилганда, улардан 112 тасига (ёки 34 проценти) баҳо нообъектив қўйилганлиги маълум бўлди, ҳатто ёмон баҳога ёзилган 43 та ишга ижобий баҳо қўйилган. Бу институтда абитуриент ўрнига бошқа одам кириб имтиҳон топшириш каби ҳолларга ҳам йўл қўйилган.

Қабул имтиҳонларидаги нуқсонлар институтларга қисман билим савияси паст бўлган абитуриентларнинг кириб олишига йўл очиб бермоқда. Бундай студентлар ўқиш жараёнидаги биринчи имтиҳон сессиясидаёқ ёмон баҳолар олмоқда. Масалан, Тошкент Политехника институтига 1976 йилда қабул қилинган ва кундузги факультетларда ўқиётган студентлардан 733 таси (ёки уларнинг 21 проценти) биринчи имтиҳон сессиясидаёқ «ёмон» баҳо олди, уларнинг ярмиси 3 та ва ҳатто ундан кўпроқ предметлардан имтиҳон топшира олмади. Шу студентлардан 582 тасининг 1976 йилда институтга кираётганида физикадан топширган ёзма имтиҳон ишлари қайта текшириб кўрилганида улардан 247 тасига (ёки 42,3 процент) ошириб баҳо қўйилгани маълум бўлди.

Бир қатор олий ўқув юртларида қабул имтиҳони — бўйича ёзма ишларни шифрлаш ва шифрини очиш принциплари бузилмоқда. Самарқанд Давлат университетида қоидага хилоф равишда 1977 йилдаги қабул имтиҳонлари бўйича ведомостлар шифрсиз расмийлаштирилган. Бу эса имтиҳон қабул қилаётган ўқитувчилар кимнинг ёзма ишини текшираётганлигини олдиндан билганлар деган хулосага олиб келади.

Барча текширилган ўқув юртларида қабул имтиҳони ҳужжатлари, айниқса имтиҳон ведомостлари жиддий нуқсонлар билан расмийлаштирилаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Ведомостларда қўйилган баҳоларни асоссиз ўзгартириш, тўлдирилмаган сатрлар имзо чекилмаган баҳолар ва шунга ўхшаш нуқсонлар мавжуд. СамДУда текшириб кўрилган 248 та имтиҳон ведомостининг 92 таси (ёки 40 проценти) ҳар хил хато ва нуқсонлар билан расмийлаштирилган. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида текширилган анчагина имтиҳон ведомостларида ёмон баҳолар яхши баҳоларга ўзгартирилган, ҳатто айрим баҳолар икки баллга оширилган.

Баъзи институтларда мандат комиссияларининг иши қоидага мувофиқ ташкил этилмаган. Кўпинча абитуриентлар билан шахсий суҳбатлар ўтказилмайди. Бу эса табиийки, норозиликларга олиб келмоқда.

Конкурс ўтказишда, унинг ҳужжатларини тузишда ва ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштиришда ҳам тегишли қоидалар қўпол бузилмоқда. Кўп миқдорда баллга эга бўлган абитуриентлар қолиб кетиб, ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмагани ҳолда кам балл олганлар ўқишга қабул қилинганлиги каби фактлар учрамоқда.

Тошкент Политехника институтида 1975 йилда ўтказилган текшириш бўйича республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг институт кечки бўлимига қонунсиз қабул қилинган шахсларни студентлар сафидан чиқариш ҳақидаги 1976 йил 23 февралдаги буйруғи тўлиқ бажарилмади. Бу камлик қилгандай Тошкентда пропискада бўлмаган 280 киши 1977 йилда институтдаги 4 та факультетнинг кечки бўлимларига ўқишга қабул қилинди.

Студентлар қабул қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги ва қабул қоидаларининг қўпол бузилаётганлигига сабаб шуки, баъзи олий ўқув юртларининг ректорлари бу масалада шахсан масъул бўлишларига қарамай, шундай муҳим ишни иккинчи даражадаги ходимларга ишониб топширмоқдалар, қабул комиссияларининг аъзолари ва предмет комиссияларининг раҳбарларига нисбатан қатъий талабчан бўлмаяптилар ва уларнинг иши устидан етарли даражада назорат қилмаяптилар. Республика Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маориф министрликлари бу масалада бир қатор тадбирларни амалга оширган бўлсалар ҳам аммо институтларнинг шу соҳадаги иши устидан етарлича назорат олиб бормаяптилар. Бу масала кўпинча чуқур текшириш ўтказилмасдан ва фактлар пухта таҳлил қилинмасдан юзаки муҳокама этилиб келинган. Бу эса хато ва камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига имкон бермаган.

Текширишнинг якунлари яқинда республика Халқ контроли комитетининг мажлисида муҳокама этилди. Олий ва ўрта махсус таълим ва Маориф министрликларининг баъзи раҳбарлари қаттиқ танқид остига олинди. Студентлар қабул қилиш қоидалари қўпол бузилганлиги ва бу соҳада бошқа бир қатор камчиликларга йўл қўйганлиги учун Тошкент Политехника институтининг ректори К. Аҳмедов ва Самарқанд Давлат университетининг ректори А. Отахўжаев комитет томонидан жазоланди. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори Ҳ. Турсунов қатъий огоҳлантирилди. Жиддий камчиликларга йўл қўйган Тошкент Электротехника алоқа институтининг ректори Ж. Абдуллаев ва Андижон Тиллар педагогика институтининг ректори М. Ҳабибовнинг масъулияти ҳақидаги масала республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ҳавола этилди.

Текшириш ўтказилганидан сўнг ва шу кунларда олий ўқув юртларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор чора ва тадбирлар кўрилмоқда. Айрим институтларда текшириш натижалари партия комитетлари ва илмий кенгашларда муҳокама этилди. Қабул масаласида жиддий хатоларга йўл қўйган мансабдор шахслар ва ўқитувчиларга нисбатан партиявий ва маъмурий чоралар кўрилди. Барча текширилган олий ўқув юртларида қабул масаласини яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси бундан буён ўтказиладиган студентлар қабул қилиш ишини кескин яхшилашга хизмат қилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми халқ хўжалигининг барча соҳаларида давлат интизомини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор берди. Олий ўқув юртларининг ректоратлари, партия ташкилотлари ва халқ контроли группалари Пленум қарорларидан хулоса чиқариб, олий мактаб ҳаётидаги муҳим тадбир — сиёсий-тарбиявий ишларнинг узвий омили бўлган қабулни ташкил қилишни кескин яхшилашлари зарур.

Т. ХОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллиги олдидан

ПОЛИТРУК ҚОДИРЖОН ИМОМОВ

ЖАНГЧИ ШОИР ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Тун пардаси қуюқлашган чоғда сирли команда берилди — бу олға ҳаракат қилишдан дарак эди. Ким эмаклаб, ким қисқа-қисқа сакраб олға силжиб кетди. Немисларга 50-100 метрлар яқин бориб окоплар қазиш бошланди. Ҳар ким имкони борича ҳимоя чораларини кўра бошлади: «Сўзлашиш ва чекиш ман қилинади!» деган буйруқ берилган, ҳеч ким чурқ этмасди.

Туни билан ёмғир қуйиб чиқди. Бу, бир томондан, немисларни хотиржам қилса-да, ўша тунда ҳужумга ўтганларнинг ташвишини оғирлаштирганди. Лой-ботқоқ аралаш окопларда йигитлар бир-бирларининг афт-ангорларини ажратолмай қолишди.

Ҳар қанча эҳтиёткорликка қарамай, полкнинг шиддатли ҳужумга тайёрланаётганлиги душманга маълум бўлди. Фашистлар миномётлардан снарядни ёғдириб ташлади. Немис снарядлари бош кўтаргани имкон бермасди. Тўрт кеча-кундуз гоҳ у томон-гоҳ бу томон ҳужумга кўтарилиб турди, узлуксиз отишмалар, снарядларнинг портлаши ҳар икки томоннинг позициясини ҳолдан тойдирди.

19 сентябрь куни немислар охирги марта қарши ҳужумга ташланди, бироқ полк мудофаасини ёриб ўтолмади. Окоплар ва траншеялар ўликлар ва ярадорларга тўлиб кетди. Қорадарё бўйидаги ўрмон отишмаларнинг зўридан ялангоч кенгликка айланиб қолди, гўё дарахтларни кимдир нотекис равишда бир четдан қириб, қиймалаб чиққандай эди. Дарахтларнинг ялангоч танаси остида ҳар икки томонда ҳалок бўлган солдатлар ётарди. Немислар катта талафот туфайли ҳужумни тўхтатишга мажбур бўлди. Лекин Синявино яна немислар қўлида қолди.

Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилнинг 24 сентябрь куни тонг арафасида — соат 5 да совет артиллериясининг еру-кўкни титратувчи зарбаси билан Синявино остонасида ҳаёт-мамот жанги бошланди. Одатдагидан бирмунча узоқроқ — роса бир соат душман позицияси артиллериядан ўққа тутилди. Бундай снаряд ёмғиридан сўнг Синявино қай аҳволга келиши аён эди. Душман позицияси устида снарядлар портлаши натижасида ҳосил бўлган қора қуюн булутдай кўкка ўрмалар, тонгнинг тобора ёришиб келаётган нурида осмонни қоплаган қуюқ қўланка янада яққолроқ кўзга ташланарди...

Негадир Аҳмаджон Маҳамаджонович «24 сентябрь» воқеаларини сўзлашни орқага сургандай бўларди. Календарда гўё 24 сентябрь бир неча дақиқадан иборат бўлгандай, у тонгги артиллерия тайёргарлигини ҳикоя қилишдан нарига ўтолмас ўша кунги жангдан сўз очганда беихтиёр киприклари ёшланиб, тез-тез пирпирар, сўзида титроқ оҳанги ғолиб келаверарди. Лекин ҳозир Имомқул бувадан ҳеч нимани сир тутиб бўлмайди. У ҳақиқатни билишни истайди. Ҳақиқат эса битта ва биргина қиёфада бўлади.

— 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси эди, — Аҳмаджон Азизовнинг ҳеч қандай бўёқсиз ҳикояси давом этади. — Батальон шахсий состави каби бизнинг ўқчи рота ҳам ўша кеча окопларда эдик. Рота политругининг око-

(Боши ўтган сонда).

пи биз билан ёнма-ён эди. Қарийб тунги учларга қадар мен унинг окопда нимадир енгил куйга солаётганини ширин уйқу аралаш тинглаб ётдим. Назаримда, у ҳуштак эмас, най чаларди ва бу куй менга жуда узоқ-узоқдан енгил шабада қанотида учиб келаётгандай туюларди. Мен Қодиржон аканинг гўзал най чалишини билардим...

Ўша кеча шоир Қодиржон Имомов дунё меҳрига тўймагандек мижжа қоқмади... Гоҳ ёшлик, гоҳ ўсмирлик йиллари бирма-бир кўз ўнгидан ўтар, хаёлан гоҳ кўча чангитиб чопиб борар, гоҳ муштипар она қошида най чалиб, бўзлаб турарди. Ўша кеча шоир оёқ имкон топмайдиган торгина окопда хаёлан дунё кезарди. Уни севимли адабий ҳаётга етаклаган устози Ҳамид Олимжон, бундан бир йил муқаддам — Ватан урушининг дастлабки ойларида Самарқанд вокзалидан жангга ўзи кузатган юртдош ва қадрдон дўсти, истеъдодли шоир ва ёзувчи Шароф Рашидов, улар ортидан изма-из эргашиб Самарқанд дорилфунунига келган Ориф Икромов, Сарвар Азимов, Низом Қўшоқов, Убайдулла Тўрақулов ва яна қанчадан қанча умидбахш ниҳолларни кўз ўнгидан ўтказди. Шоир жанггоҳ қучоғида туриб, ғойибона уларга бахт ва омад тилар, хаёлан улар билан бирга эди...

Артиллерия тайёргарлиги тинганда соат милларн эрталабки олтини кўрсатарди. Осмонда қизил ракета порлади. Бу эндиликда бир неча жангни кўрган политрук Имомов ва унинг сафдошлари учун маълум аломат эди. Политрук биринчи бўлиб окопдан отилиб чиқди:

— Ватан учун, Сталин учун олға, ўртоқлар!

Бир неча дақиқада 61-гвардиячи ўқчи полк рўпарасида артиллерия зарбидан сўнг қуюқ туманга қопланиб турган Синявино томон ҳаёт-мамот жангига ташланди. Кимдир қисқа-қисқа сакраб, кимдир ер бағирлаб олға борар, жанг тобора беомон тус оларди.

Политрук рота жангчиларидан бир неча қадам олдинда борар ва тез-тез орқага ўгирилиб «Олға! Ўртоқлар, олға!» деб шитоб билан қичқириб қўярди.

Синявино билан ўрмон оралиғини улкан торф ботқоқлиги ҳалқаси ўраган, биргина ёғочлардан тўшалган йўлаккина ёлгизоёқ сўқмоқ ҳисобланарди. Бу йўлни немислар ҳарчанд тўсишга уринмасин, бугун унинг уддасидан чиқолмадилар. Рота политруги Қодиржон Имомов биринчи бўлиб сўқмоққа қадам қўйиб, шитоб билан орқага ўгирилди:

— Олға, дўстлар! Ғалабага қадар, олға!

Бу — унинг жангга чорловчи сўнгги сўзи эди. Бу — жангчи шоирнинг сўнгги хитоби эди. Кўприк устида портлаган снаряднинг гумбурлаган овози политрукнинг ҳайқириғини босиб кетди...

Биринчи бўлиб ёрдамга етиб келган Аҳмаджон Азизов ҳарчанд уринмасин, политрукнинг жароҳатини енгиллаштиролмади. Снаряд парчаси Қодир Имомовнинг чап оёғи сондан мажақлаб кетган, бир бўлак эт билан теригагина илиниб қолган оёқ орқага қайтиб турарди. Солдат Азизов ҳеч иккиланмай белидан брезент қайишини бўшатди-да, политрукнинг қонга бўкиб турган сонидан боғлашга шошилди.

— Аҳмаджон, оёқсиз қолдим, ука... — деди Қодиржон Имомов аллақандай гуноҳкорона термулиб. Кейин у яна нимадир демоқчи бўлди-ю, бир зумда Аҳмаджоннинг икки қўли қонга ботиб қолганини кўриб, зийрак одам эмасми, тақдирнинг бешафқат аломатини пайқаган каби инграб юборди: «Наҳотки!..» Брезент қайиш неча марта айланмасин, нуқул пахтадай титилиб кетган гўштнинг ичига ботиб кетар, қон энди фақат томирлардан эмас, бутун соннинг ўзидан қуйилиб тушарди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг шоир ҳарчанд уринмасин бир сўз айтолмади. Унинг қонсизлаликдан оқариб кетган юзидан ва тобора нурсизланиб бораётган кўзларидан Аҳмаджонга яна нимадир дегиси келиб тургандай эди. Шоирнинг нафас олиши тинди, кўкрак қафаси бир силкиниб, юрак уришдан тўхтади, лекин Аҳмаджоннинг шинелидан тутган қўлини қўйиб юбормасди. Бу қўл «мени ташлаб кетма» дегандек қотиб қолганди... 1942 йилнинг 24 сентябрь тонгида — тахминан соат олти яримларда жангчи шоир Қодиржон Имомов Ленинград остонасида, Волхов станцияси яқинида Қорадарёча (Черное речка) бўйидаги Синявино қишлоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

Синявино учун жанг давом этарди. Ўша жангда Синявино атрофлари инсон мурдасига тўлиб кетди. Чекинганн майдон йўқ эди. Аҳмаджон ҳам оғир ярадор бўлиб, йўл устидаги окоплардан бирига қулаб тушди. Урушда нималар бўлмайди, дейсиз: жағ суягидан ўқ теккан москвалик Александр исмли солдат билан бир окопда ёнма-ён немис офицери ҳам ярадор ҳолда бикиниб ётар, икки ярадорнинг ҳам қоли шу қадар оғир эдики, қаршилик қилишга мажол қани? Аҳмаджон окопга ағанаб тушганда немис охирги марта жонланиб бор кучини тўплаб, ён чўнтагидан тўппончасини оларкан, совет солдатининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Аҳмаджон оёғидаги этиги илиқ қонга тўлиб бораётганини, кўзи тиниб, хуши қочаётганини сезиб турса ҳам, бор кучи билан немис офицерини қўшқўллаб бўғиб, тўппонча тутган қўлини ёзишга имкон бермади. Бир неча дақиқа шу тарзда бўғиб тургач, немис шилқиллаб бўшашиб тушди ва Аҳмаджон икки қўлини унинг кўкариб кетган томоғидан ажратиб олди. Хаёлини жойига олиб қараса борми, унинг икки қўлида кафтларига ботиб кетган иккита немис крести турарди. Бу крестлар унинг қўлига қандай илашиб қолди-ю ва булар унинг кафтига қандай туриб қолганини билолмасди.

Уруш майдонларида бундай жумбоқлар, ақлга сиғмас ҳайратли воқеалар кўп эди. Синявино остонасида қуршовда қолган 61-полк, окоплардаги бир неча ярадорларни ҳисобга олмаганда, тенгсиз жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Қулай позицияда турган немислар бу нуқтада узоқ пайт ўз устунликларини сақлаб турдилар.

Аҳмаджон Азизов ярадорлар сафида беш кун чекиниб, қўшни қисмга қўшилди. Бу ерда уларни 2-армиянинг госпиталига жўнатишди. Госпиталдан даволаниб чиққан Аҳмаджон Азизов алоҳида командирлар мактабига ўқишга, у ердан эса ўша пайтда эндигина жангга киритилган «катюша»чилар сафига қайтди.

1942 йил совет жангчиларига Синявинони эгаллаш насиб этмади. Қишлоқ чегаралари бир неча бор у қўлдан-бу қўлга ўтиб турди-ю, лекин қулай стратегик шароит немисларга янги-янги кучларнинг тўхтовсиз келиб туришини таъминлайверди. 1943 йилнинг 18 январидагина бу ердаги немис полки штабининг кули кўкка совурилди. Синявино батамом қўлга ўтди.

ЙИЛЛАР ЎТДИ. Аҳмаджон Азизов 61-гвардиячи ўқчи полкда жанг қилган қуролдош дўстларини кўришни орзу қилиб кўп жойларни кезди. Ўтган йили Москвадаги 28-махсус ўрта мактаб изқуварлари собиқ жангчига ёрдамга келдилар. Маълум бўлишича, қизил изқуварлар 19-гвардиячи ўқчи дивизиянинг жанговар тарихи билан қизиқиб, кўпдан буён унинг тирик шоҳидларини Москвага тўплашни орзу қилишар экан.

Москвада яшаб турган дивизия ветеранлари — генерал-майор К. М. Вяземский, майор А. Я. Лимбергер, собиқ жангчи Наум Юфит, старший лейтенант В. С. Поляковларнинг фаол иштироки ва кўмагида 1977 йил 20 март куни 28-мактаб биносида мамлакатнинг турли томонларидан учиб келган собиқ қуролдошлар учрашдилар. Булар орасида 61-гвардиячи ўқчи полкнинг жангчилари бармоқ билан санарли эди. Улар орасида Синявино учун жангларда қон тўккан киевлик разведкачи Антон Филимович Бондаренко, томсклик пулемётчи Андрей Викентьевич Свирский, Тошкентдаги авиация заводи ишчиси Неъмат Пўлатов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлиги комитетида хизмат қилиб турган подполковник Аҳмаджон Азизовлар бор эди. Бир шаҳарда яшаб, икки полкдош Москвада топишдилар.

Аҳмаджон Азизовнинг Қодиржон Имомовнинг Жиззахда яшаб турган ота-оналари, қавму қариндошлари билан йиллаб топишолмагани ҳам урушнинг ўзига хос жумбоқларидан бири эканлиги билан изоҳланиши мумкин, холос. «Урушда худо ҳам иложсиз» деган француз мақоли шу ҳақда бўлса ажаб эмас.

Яна кимлар бор? Яна кимлар ҳаёт? Жангчилар яна кимларнидир орзиқиб кутдилар. Бироқ улар оқиб ўтган дарё каби, учиб ўтган вақт каби ортга қайтмас эдилар. Улар жанг майдонларида улуғ Ғалабамизнинг тимсоли бўлиб, тирик ҳайкал бўлиб қолдилар. Уларнинг аксарият қисми кўксига орден тақиб улгурмаган ва жангда кўрсатган буюк жасоратига мукофот тама этмаган эдилар. Улар ҳақиқий қаҳрамонлар эдилар. Ўша қаҳрамонлар сафида жангчи шоир Қодиржон Имомов ҳам бор. 61-гвардиячи ўқчи полкнинг жасорат китобига биринчилар қаторида унинг номи ҳам ёзилди: **«Политрук Қодиржон Имомов, 25 ёшда эди...»** Буни шоирнинг дўсти Аҳмаджон Азизов ўз қўли билан ёзди.

Имомқул бува бир энтикди-ю, айтарли садо сезилмади. Аҳмаджон ака ёшли кўзини атайлаб четга бурди, яна кимдир ўзини тутолмай хўрсинди, лекин қаҳрамон шоирнинг отаси ўзининг салкам бир асрлик ёшида ҳам мард инсонларга хос ғурурини бой бермай турарди. У қурбон берилган умрнинг нақадар азизлигини ҳис қилар ва барчадан кўра кўпроқ кадрлар, бироқ, ниҳоят, унинг сароб каби бежиз кетмаганлигидан таскин топгандек, атрофдагиларга мағрур разм солди. Бу нигоҳ — мардлик ва ғурур ҳар қандай ёшда ҳам инсоннинг энг буюк фазилати бўлиб қолишини ёдга солгандек эди...

Шундай бир таассурот, уруш қолдирган беаёв тўғён остида турганда, куни кеча ўқиганларимиз — ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» хотиралари хотимасидаги ушбу сўзлар беихтиёр ёдга тушади:

«Урушнинг сўнгги кунларигача биз содиқ ўртоқларимизни дафн этдик. Бутун йўл бўйи фашистлар ваҳшийлигининг изларини кўрдик, қон қақшаб йиғлаётган оналарни, бева қолган аламзада аёлларни, оч-юпун етимларни кўрдик. Агар бугунги кунда мендан урушнинг биринчи кунидан то охирги кунигача жанг қилиб бориб, қандай асосий хулоса чиқардинг, деб сўрашса, энди уруш бўлмаслиги керак, уруш ҳеч қачон бўлмаслиги керак, деб жавоб берган бўлур эдим».

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Суратда: Аҳмаджон Азизов Имомқул бува Ҳошимовнинг хонадонида — Қодиржон Имомов туғилган уйда. Жиззах, 1977 йил, август.

халқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БМТ Бош секретари Курт Вальдхайм халқаро ҳамжамият халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашишга аҳд қилганлигини яна таъкидлади.

У БМТнинг мустамлакачиликни тугатиш комитетига қилган мурожаатида мустамлакачиликни тугатиш жараёнини батамом ниҳоясига етказиш учун жуда муҳим ва фавқулодда актуал проблемалар ҳал этилиши кераклигини таъкидлади. Родезия ва Намибиядаги аҳвол ана шундан далолат беради.

БМТ Бош секретари Смитнинг ирқчи режимига қарши курашда Зимбабве халқи ва унинг миллий-озодлик ҳаракати кўрсатаётган қатъият ва мардликни юксак баҳолаб, Родезиядаги ҳокимият кўпчиликдан иборат туб аҳоли вакилларига берилиши кераклигини айтди.

К. Вальдхайм Жанубий Африка Республикасининг Намибияга доир БМТ резолюцияларн ва қарорларини бажаришдан бош тортганлигини қоралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу территория ва унинг халқи учун тўғридан-тўғри, бевосита, масъул эканлигини ҳисобга олиб, деди у, мустамлакачиликни тугатиш комитети БМТнинг Намибия учун тузилган кенгаши билан ҳамкорликда шу мамлакат халқига ўз тақдирини белгилаш ва миллий мустақилликка эришишдан иборат ўзининг ажралмас ҳуқуқлари берилиши учун лозим бўлган йўл ва воситаларни қидиришни давом эттиради.

Пировардида К. Вальдхайм Совет Иттифоқининг ташаббуси билан мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида БМТ қабул қилган декларация тўла ҳажмда бажарилиши зарурлигини таъкидлади.

ТУҲМАТ ПРОПАГАНДАСИГА ЗАРБА

Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзоси, маъмурий кенгашнинг информация ва жамоатчилик билан алоқа бўлими бошлиғи Тамрат Фэреде бундай деди: Эфиопиянинг Сомалига ҳеч қандай территория даъволари йўқ ва бу мамлакатга қарши бирон-бир агрессив ҳаракат қилиш ниятида эмас. Африка Мугузида қон тўкилишини тўхтатиш учун, деди у, Сомали қўшинларини Эфиопия территориясидан дарҳол олиб кетиш ва унинг ички ишларига аралашишни тўхтатиш керак.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан Эфиопияга келган журналистлар ҳузурида сўзга чиққан Тамрат Фереде Эфиопия халқи миллий бирлигини ва революция ғалабаларини ҳимоя қилишга, босиб кирган агрессорни ҳайдаб чиқаришга ва ички реакцияни тор-мор этишга қатъий аҳд қилганлигини таъкидлади.

Ғарб мамлакатлари оммавий ахборот воситаларининг Эфиопияга қарши туҳмат пропагандасини давом эттираётганлиги мамлакатимиз халқларининг қаҳр ва ғазабига дучор бўлмоқда, деди у. Эфиопия революциясининг асосий мақсади — кенг халқ оммасига чинакам ҳуқуқларни, тенглик, озодлик, адолат ва демократияни беришдан иборат.

Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг вакили ажнабий журналистларни Эфиопияда бўлган вақтларидан мамлакатда юз бераётган воқеаларга холисона баҳо бериш учун фойдаланишга, кимлар тинчлик ва ҳақиқий демократия учун курашаётганлигига ва кимлар халққа, демократияга қарши мақсадларни кўзлаб мамлакатни парокандаликка солишга уринаётганлигини ўз кўзи билан кўришга чақирди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ПРАГА. Бу ерда Греков номидаги студия совет ҳарбий рассомларининг Совет Қуролли Кучларининг 60 йиллигига бағишланган асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган асарлар Совет Армиясининг граждалар уруши йилларидаги ва фашизмга қарши олиб борилган жанглар давридаги қаҳрамонона жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Соколово остонаараида ва Дукла яқинида фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда совет ва чехословак жангчиларининг вужудга келган жанговар қардошлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи суратлар ҳам кўргазмага қўйилган.

✦ БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Экономика министрлигининг маълумотларига кўра, январь ойида мамлакатда нархнаво яна 13,4 процент кўтарилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари 10 процент, кийим-кечак 4,3 процент қимматлашган. Квартира ҳақи, электр энергия ҳақи, шунингдек ёқилғи ҳар хил турларининг нархи 26,1 процент ошган, жамоат транспорти ва юриш ҳақи 24,7 процент ортган.

✦ ДЕҲЛИ. Ғарбий Бенгалия штатидаги «Гарденрич» давлат компаниясининг кемасозлари Ҳиндистонда энг йирик — 26 минг тонна юк кўтарадиган қуруқ юк ташийдиган кема қуришди. Юк ташийдиган бу лайнерни Ҳиндистон мутахассислари тўла-тўкис лойиҳалаштирган, кема учун мўлжаллачган ускуналарнинг 80 процентини мамлакатдаги корхоналар етказиб беришган.

ХАЛҚ ҒАЗАБИ АЛАНГАСИ

САН-ХОСЕ

Никарагуада Сомоса режимини ағдариб ташлаш шиори остида бошланган ялпи забастовка уч ҳафтадан бери давом этмоқда. Ўз кўлами ва узоқ давом этиши жиҳатидан бутун Марказий Америкада ҳеч қачон бунга тенглашадиган забастовка бўлган эмас.

Репрессиялардан чўчиган савдогарлар ва бошқа мулкдор табақаларнинг баъзи бир вакилларигина забастовкачилар сафидан чиқиб кетишди. Кўпчилик никарагуаликлар, биринчи галда меҳнаткашлар курашни ғалабагача давом эттиришга бел боғлаганлар. Кўпгина шаҳарларда қуролсиз кишилар билан солдатлар ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Масаяда баррикада қуриб олган ишчилар «қўпорувчилик фаолияти»га қарши курашувчи махсус бўлинмалар билан жанг қилмоқдалар. Қотилларнинг ҳаракатларига АҚШдан келган ёлланган аскарлар раҳбарлик қилаётганликлари тўғрисида хабарлар бор.

Никарагуада ижозат берилган бирдан-бир оппозициячи партия бўлмиш консерватив партия аҳоли жуда катта кўпчилигининг кайфиятини ифодалаб, мамлакат парламентида Сомосанинг дарҳол истеъфога чиқишини талаб қилди.

Диктатор халқ ғазаби алангасини террорни кучайтириш йўли билан ўчиришга, ҳар қандай қилиб бўлса-да, ҳокимият тепасидан кетмасликка уринмоқда. Бутун мамлакатда одамлар кўплаб ушлаб олиниб, қамоққа ташланмоқда.

Ялпи забастовка демократик озодлик иттифоқининг даъвати билан бошланган эди, шу иттифоқ диктатурага гражданлик итоатсизлиги ҳаракатини кенгайтиришга чақириб халққа мурожаат қилди. «Никарагуаликлар! Мамлакатнинг узил-кесил озод бўлиши сизларнинг матонатингиз ва қатъиятингизга боғлиқ», — дейилади шу иттифоқ тарқатган баёнотда.

ВАШИНГТОН

Венесуэла Америка давлатлари ташкилотига мурожаат қилиб, Никарагуадаги инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётганлигини текширишни талаб қилди. (ТАСС).

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳиндистон Андҳра-Прадеш, Карнатака, Махараштра, Ассам, Мегхалай штатлари ва Аруначал-Прадеш иттифоқ территориясининг қонун чиқарувчи мажлисларига 25 февралда бўладиган сайловга тайёргарлик авж олди.

Бу сайловга алоҳида аҳамият берилмоқда. Маълумки, ўтган йил март ойида Ҳиндистонда ҳокимиятни Жаната парти ўз қўлига олди. Ўша вақтда партия аввало, шимолий ва марказий штатлардаги сайловчиларнинг кўпчилик овозини олган эди. Гарчи у марказда ҳукумат тузган бўлса ҳам штатлардаги маҳаллий маъмуриятга илгаригидек Ҳиндистон Миллий конгресс партияси бошчилик қилди. Ўтган йил июнь ойида бир қанча шимолий штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига муддатидан илгари бўлиб ўтган сайловда Жаната парти яна ғалаба қозонди ва Ҳиндистоннинг 22 штатидан 7 тасида маҳаллий ҳокимиятни тузди. Февраль ойида асосан Ҳиндистон Миллий конгресси ҳокимият тепасида турган штатларда сайлов бўлиб ўтади.

Март ойида бўлиб ўтган умумий сайловлардан бери деярли бир йил ўтди ва сайловчилар сиёсий партиялардан уларнинг сайлов арафасида берган ваъдаларини, аввало ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг конкрет ва конструктив программасини бажаришларини кутишга ҳақлидирлар. Бош министр Мораржи Десаи Ассам штатида сайлов олди митингида сўзга чиқиб, ҳукмрон партиянинг мавқеи мустаҳкамланиши унга қашшоқлик ва ишсизликни тугатиш, иқтисодий жиҳатдан қолоқ шимолий штатларни ривожлантириш тўғрисида сайлов арафасида берган ваъдаларини самаралироқ тарзда бажаришга имкон беради, деб айтди.

Оппозициядаги энг катта Ҳиндистон Миллий конгресс партияси яқинда унинг сафларида парокандалик юз берганлиги натижасида сайлов олдидан оғир аҳволга тушиб қолди. Ҳиндистон Миллий конгресси раиси К. Б. Редди Бомбайдаги (Махараштра штати) митингда сўзлаган нутқида, Ҳиндистон Миллий конгресси демократия ва секуляризм принципларига оғишмай амал қилади, деб айтди. Индира Ганди собиқ ҳукмрон партиядаги тарафдорлари билан биргаликда актив пропаганда кампаниясини олиб бормоқда, Жаната партининг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатини танқид қилишга диққат-эътиборни кучайтирмоқда.

Ҳиндистон коммунистик партияси меҳнаткашлар оммасининг манфаатлари учун, ажнабий монополияларнинг зўравонлигига қарши, Ҳиндистон экономикасида давлат секторини ривожлантириш учун курашиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлига изчиллик билан амал қилади, деди ХКП миллий кенгашининг бош секретари Ражешвара Рао Вижаявада (Андҳра-Прадеш штати) бўлиб ўтган митингда.

Штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига бўлажак сайлов Ҳиндистон сайловчиларининг сиёсий хайрихоҳлигини ва кайфиятини кўрсатади, мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги асосий йўналишларни белгилаб беради. (ТАСС).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

✦ ПАРИЖ. Меҳнат қилиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя этаётган француз меҳнаткашларининг стачка кураши тўхтамаяпти. Сарта департаментидаги Ле-Ман шаҳри вагонсозларидан юзлаб киши ўз ўртоқларидан 111 кишининг қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, вокзални қамал қилдилар. Парижадаги «Куанье» фабрикасининг меҳнаткашлари кўплаб кишиларнинг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, ўз ишларини тўхтатдилар ва ишлаб чиқариш биноларини эгалладилар. Париждаги «Фидор» кондитер фабрикасининг ишчилари ҳам курашнинг ана шу усулидан фойдаландилар. Бу фабрика ҳам ёпилиш арафасида турибди.

Кейинги кунларда Марсель, Дижон, Нант почтачилари меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш юзасидан намойиш ўтказдилар. Парижда социал таъминот системаси иш ташлаган хизматчиларининг намойиши бўлиб ўтди. (ТАСС).

МЕҲНАТКАШЛАР ҲИСОБИГА

ҚОҲИРА. (ТАСС). Жуда кўпчилик мисрликларнинг моддий аҳволи узлуксиз ёмонлашиб бораётганлиги учун бутун масъулият мамлакат ҳукуматининг зиммасига тушади, деб ёзади Қоҳирада нашр этиладиган «Роз ал-Юсуф» ҳафтономаси. Расмий ваъдаларга қарамай, маъмурлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар нархи устидан контроллик қилиш учун давлат субсидияларини ажратишни аста-секин тўхтатиш ниятидан воз кечганлари йўқ. Бу йил субсидия ҳажми 1976 йилдагига нисбатан сал кам 200 миллион фунт миқдорида қисқартирилади.

Миср ҳукумати, деб уқтиради «Роз ал-Юсуф» газетаси, халқаро реконструкция ва ривожланиш банки билан халқаро валюта фонди ўтказаётган тазйиққа қаршилик қила олмаяпти. Халқаро монополияларнинг манфаатларини кўзловчи шу ташкилотлар Мисрга яна кредит берилишини ҳукуматнинг халқ оммаси турмуш даражасини янада пасайтиришга рози бўлишига боғлиқ қилиб қўймоқдалар. Ташқаридан қарз олмай яшаш қобилиятига эга бўлмаган Миср экономикасининг танг аҳволи учун бусиз ҳам чор-ночор кун кечираётган миллион-миллион меҳнаткашлар азоб чекишлари керак бўлиб қолмоқда.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ливия Социалистик араб халқ жамоҳириясида маҳаллий ҳокимият органлари — «Халқ мажлислари» ва «Халқ комитетлари» состави қайта сайланади. Ливия умумхалқ конгресси бош секретари М. Каддафи миллий радио ва телевидение орқали нутқ сўзлаб, ана шуни эълон қилди.

Унинг сўзларига қараганда, бу органларнинг фаолиятидаги баъзи камчиликлар ана шундай қайта ташкил этишни тақозо этди. Шу сабабли, М. Каддафи халқ оммасини қайта сайлаш кампаниясида кенг иштирок этишга, маҳаллий бошқарув органларига меҳнаткашларнинг энг яхши вакилларини, касаба союз аъзоларини шунингдек «мамлакатда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланаётган» Ливия хотин-қизларини кўтаришга даъват қилди.

Умумхалқ конгрессининг бош секретари, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ўзгартишларга душманлик қилаётган унсурларни қатъият билан фош этиш, маҳаллий раҳбарларнинг хатоларини дадил танқид қилиш зарурлигини уқтирди. М. Каддафи мамлакатда йирик хусусий уй эгалигини тугатиш, ер участкалари ва кўчмас мулк билан чайқовчилик қилишга қарши курашни кучайтириш, савдо-сотиқда воситачилик системасини тугатиш кераклигини айтди.

Умумхалқ конгрессининг бош секретари пировардида шуни таъкидладики, айрим камчиликларга қарамай Ливияда демократлаштириш жараёни муттасил ривожланиб ва чуқурлашиб бормоқда.

(ТАСС).

ЗИДДИЯТЛАР КЕСКИНЛАШИБ БОРМОҚДА

Миср Араб Республикаси президенти А. Садатнинг АҚШга қилган визити тамом бўлди. Ана шу визитнинг якунлари тўғрисида Оқ уй эълон қилган баёнотда АҚШнинг тутган йўли қайд этилди. Баёнотда айтилишича, Қўшма Штатлар «можарони тинч йўл билан ҳар жиҳатдан бартараф қилиш» ва «Исроил билан унинг қўшнилари ўртасида нормал тинч муносабатлар ўрнатиш»ни таъминлаш тарафдоридир.

Шу муносабат билан баёнотда таъкидлаб ўтиладики, АҚШ «Исроилнинг хавфсизлигини ва шу райондаги ҳар бир давлатнинг эътироф этилган ва хавф-хатарсиз бўлган чегаралари доирасида тинч шароитда яшаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш юзасидан олинган мажбуриятга содиқ бўлиб қолади». Маълумки, Қўшма Штатлар «эътироф этилган ва хавф-хатарсиз бўлган чегаралар» деган тушунчани 1967 йилда Исроил босиб олган баъзи араб территорияларини Исроилнинг ихтиёрига ўтказиш мумкин, деган маънода талқин этади.

Баёнотда Хавфсизлик Кенгашининг Исроил қуролли кучларини 1967 йилда босиб олинган территориялардан олиб чиқиб кетишни кўзда тутган резолюциялари тилга олинади, лекин Американинг чегаралар тўғрисидаги юқорида айтиб ўтилган писандалари шарт қилиб қўйилади.

Президент Ж. Картер, дейилади баёнотда, босиб олинган араб территориясидаги Исроил манзилгоҳлари халқаро ҳуқуққа хилоф эканлигини ва Исроилнинг ана шундай манзилгоҳларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган бундан буёнги фаолияти можарони тинч бартараф қилишга эришиш йўлидаги уринишларга тўғри келмаслигини таъкидлади.

Бу ердаги сиёсий обзорчилар Оқ уйнинг баёнотида Яқин Шарқ масаласи юзасидан Женева сулҳ конференциясини чақириш тўғрисидаги масала тамомила четлаб ўтилганлигини, бутун гап «Исроил билан унга қўшни бўлган ҳар бир мамлакат ўртасида тинч муносабатлар» ўрнатишдан, бошқа сўзлар билан айтганда, Исроил рўёбга чиқариш учун интилган ва интилаётган сепарат музокаралар олиб боришдан иборат қилиб қўйилганлигини таъкидламоқдалар.

Америка матбуоти Ж. Картер билан учрашиш учун Қўшма Штатларга жўнаб кетаётган Исроил бош министри Бегиннинг баёнотидан айрим парчалар келтиради. Бегин Женевада ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Исроил Фаластин давлатининг вужудга келтирилишига ҳеч қачон рози бўлмайди ва фаластинликлар Исроилнинг ашаддий душманларидир, деди.

Америка газеталари А. Садатнинг Америка сенаторлари ҳузурида сўзлаган нутқидан ҳам парчалар келтирмоқда. А. Садат бу нутқида ўзининг таслимчилик ролини яна бир марта уқтириб ўтди ва аслини олганда Яқин Шарқ проблемасини кенг кўламда ҳал этишга қарши чиқди.

Шу нарса характерлики, ҳатто Америка матбуотининг ҳам таъкидлаб ўтишича, Садат ўз нутқида совет таъсирининг кучайиб бораётганлиги Яқин Шарққа ва Африкага таҳдид қилмоқда ва гўё бу ҳол Америка нефть монополияларининг манфаатларини хавф остида қолдирмоқда, деб сенаторларни ишонтирмоқчи бўлганида «ҳаддидан ошиб ҳаракат қилган». (ТАСС).

Санъаткорлар ҳақида ҳикоялар

СЕВИМЛИ АКТРИСА

Санъатга — нафосат оламига қизиқиш, гўзалликни тушуниш, эстетик дидни шакллантириш мактаб партасидан бошланади. Шу маънода болалар театри санъаткорларининг бурчи ва масъулияти ғоят салмоқлидир. Бинобарин, болалар онгида, тушунчасида санъатга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг қанчалик чуқур илдиз отиши ана шу театр ва унинг ижодкорлари маҳоратига боғлиқ. Шу сабабли болалар театрлари саҳнасида намойиш қилинадиган спектакллар ҳаққоний, ҳаётий, ишонарли, ёш томошабинларни меҳнатга, она-Ватанга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялай оладиган, уларда қаҳрамонлик, софлик, ишонч ва садоқат руҳини барқарор қилишга қодир бўлмоғи зарур.

Республикамиздаги мавжуд болалар театрларининг санъаткорлари ана шундай шарафли ва бениҳоя масъулиятли вазифани ҳар томонлама муваффақиятли адо этиб келмоқдалар. Айни вақтда улар ўзбек ва кўпмиллатли Совет болалар театр санъатининг ривожига муносиб улуш қўшиб келаётирлар.

Ўзбек болалар театрининг тараққиёти, жажжи томошабинлар тарбиясидаги роли ҳақида гап кетганда Ўзбекистон ССР халқ артисти Вера Андреевна Султонованинг номини ва ижодини четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, бу санъаткор салкам ўттиз йилдан буён ўзбек болалар театри саҳнасида ўнлаб бир-бирига ўхшамаган образлар яратиб, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муқаддас ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Вера Султонова ўзининг актрисалик фаолиятини Москва, Волгоград, Рязань, Чита шаҳарларидаги турли драма театрларида шакллантирди, камолга етказди. 1950 йилдан эътиборан у Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театрида ижодий фаолиятини мунтазам давом эттириб, ижодий биографиясини рангo-ранг образлар билан бойитиб келаётир.

Рус классик адиби И. С. Тургеневнинг «Дворянлар уяси» асари неча минглаб китобхонлар қалбини ром этган. Бу асарни ҳозирга қадар ўқувчилар қўлдан қўймай ўқийдилар. Ана шу асар Тошкент Давлат рус ёш томошабинлар театрида муваффақиятли саҳналаштирилди. Шу спектаклдаги Марфа Тимофеевна ролини В. Султонова маромига етказиб талқин қилди. «Муҳаббат ёши» асаридаги кампир, «Золушка»даги қайнона образларини эслайлик. Улар фақат актриса ижодида эмас, балки болалар театри тарихидаги ёрқин образлар қаторидан ўрин олди. Актриса ижодидаги реалистик талқин услуби, саҳнада ўзини бениҳоя эркин тутиши, ижродаги табиийлик ва майинлик образ руҳига файз бахш этади, томошабинни ишонтиради, энг муҳими, кишини лоқайд қолдирмайди, у ё кулади, ёки ғазабга келади. Актриса ижроси томошабинда туйғу, ташвиш уйғотар экан, томошабин уни бефарқ кузатмас экан, демак, санъаткор ўз бурчини ҳалоллик билан уддалай олган. Бу фикрни Вера Султонова ижросидаги деярли барча ролларга нисбатан айтиш мумкин. Биргина драматург Л. Бережнихнинг «Шамол ҳақидаги қўшиқ» асари асосида саҳналаштирилган спектаклдаги педагог образини олайлик. Совет пионерларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар фаолиятига бағишланган бу асарда педагог аёл асосий ўрин эгаллайди. У ёшлар қалбида ғалабага ишонч, юртни, она халқини севиш туйғуларини шакллантиради, уларни довюракликка даъват этади, душмандан нафратланишга ўргатади.

Ҳа, ажойиб актриса Вера Султонова ёшларнинг севимли мураббийси. Зотан у «Полк ўғли», «Революция номи билан», «Абдулла Набиев», «Аму қаҳрамонлари», «Павлик Морозов», «Қизил галстук» номли кўпгина спектаклларда турли ёшлар — ўғил ва қиз болалар ролини маҳорат билан ижро этиб, ёш томошабинларга матонат, садоқат, Ватанни ва одамларни севиш ва эъзозлаш борасида дарс берди.

Кеча республикамиз театр жамоатчилиги ана шу истеъдодли актрисанинг олтмиш йиллик юбилейини тантанали равишда нишонлади. У ҳали жуда кўп образлар яратиб, жажжи томошабинлар кўнглини чоғ этади. Бинобарин, актриса ўз ҳаётини театрсиз, театр бўлганда ҳам болалар театрисиз тасаввур қила олмайди. Актриса ўз бахтини ана шунда кўради.

Биз ҳам болаларнинг севимли актрисасига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бундан кейинги ижодига барака тилаймиз.

Ҳ. МАМАТҚУЛОВ.

физкультура ва спорт

ХОККЕЙ

ЧАВГОННИ МАҲКАМ ТУТИБ

Биринчи лиганинг ўн тўрт командаси мастерлар группасига йўлланма олиш учун мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини астойдил бошлаб юборди. Ҳар бир коллектив бугунгача 8-10 мартадан майдонга тушиб қимматли очколарни қўлга киритиш йўлида куч синашди. Мазкур лигада иккинчи мавсумни ўтказаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари ҳам мухлисларни мамнун этиш учун ҳаракат қилмоқда.

Спортнинг шайбали хоккей тури бўйича Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган «Бинокор» йигитлари иккинчи давра ўйинларини муваффақиятли бошлашган эди. Хоккейчиларимиз биринчи даврани 26 ўйиндан жами 35 очко жамғарган ҳолда тўртинчи ўринни эгаллаш билан якунлашгани мухлисларга аён. Ишқибозлар бинокорчилар ҳал қилувчи даврада мавқеларини янада мустаҳкамлайдилар, деган умидда эдилар. Шу боисдан Новосибирскда маҳаллий «Сибирь» коллективи билан ўйинда (5:3, 3:3) бинокорчиларнинг муваффақият қозониши мухлисларни беҳад қувонтирганди.

Иккинчи давра бошидаги ана шу учрашувдан кейин бинокорчилар ҳам узоқ танаффус олишди. Қарийб бир ойдан кейин командалар яна майдонга тушдилар. Сирасини айтганда ана шу дам олиш туфайли бинокорчилар бир оз машқини йўқотишди. Бу, Киевда «Сокол», Минскда «Динамо» командалари билан ўтказилган ўйинларда яққол кўзга ташланди. Хоккейчиларимиз Киевда қимматли очколарни (3:4, 1:5) бой беришган бўлса, Минскда икки ўйиндан бирида (3:6, 5:3) қўш очкони қўлга киритишди, холос. Шунда ҳам мухлислар «Бинокор» ўз майдонида яхши ўйин кўрсатади деган хаёлга боришди. Афсуски бинокорчилар «Юбилей» спорт саройи муз майдонида тўртта учрашув ўтказиб, икки ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилдилар. «Ижсталь» ҳамда «Молот» коллективлари билан учрашувда ютиб, такрорий ўйинлар бой берилди. Бугунгача командамиз ҳал қилувчи давранинг ўн учрашувида куч синашиб, йигирма имкониятдан тўққиз очкони ўз ҳисобига ёзди.

Бой берилган имкониятлар, йўқотилган очколар «Бинокор»нинг мавқеида ўз аксини топди. Командамиз иккинчи давра бошидан бери икки поғона пастга тушиб қолди.

— Аслида мавқеимизни тағин ҳам мустаҳкамлашимиз мумкин эди, — дейди бинокорчилар устози Василий Бастерс. — Бунинг учун бизда куч ҳам, имконият ҳам бор. Тажрибали хоккейчиларимиздан Г. Капкайкин, Ф. Голятдинов, Ю. Самохвалов, Р. Боймуҳамедовлар командадошлари, айниқса ёшлар билан ҳамкорлик қилишни ўрнига қўйишмоқда. Ҳар қилувчи даврада сусткашликка йўл қўйилишига сабаб дарвозани нишонга олиш устаси деб ишонган йигитларимизнинг аксарияти сафар ўйинларида пат еб майдондан чиқишга мажбур бўлишганида. Ҳозирча ригалик динамочилар сафидан коллективимизга қайтган В. Комраков иш бериб турибди. Уйлаймизки, бинокорчилар яқин орада кучли составда майдонга тушиб яна ғалабаларга бой ўйинлар кўрсатишади.

Бинокорчилар биринчи лигада дастлабки мавсумни ўнинчи ўринни эгаллаш билан охирлашган эди. Умид қиламизки кучли коллективлар қаторида иккинчи мавсумни ўтказаётган «Бинокор» бирмунча орттирган тажрибасини ишга солиб, ҳал қилувчи даврани муваффақиятли якунлайди. Бунинг учун шайба сурганда чавгонни яна ҳам маҳкамроқ тутиш, кўтаринки руҳда, ҳужумкорлик билан ҳаракат қилиш даркор.

А. АЛИМОВ,
Ўзбекистон радиоси спорт шарҳловчиси.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ ҚУЙИДАГИЧА МАНЗАРА ОЛГАН

	Ў	Ш	О
«Салават Юлаев»	32	147- 82	52
«Сокол»	34	158- 95	49
«Дизелист»	38	143-104	49
«Ижсталь»	38	175-139	48
«Кристалл»	38	147-126	47
«Бинокор»	36	144-121	44
«Сибирь»	36	143-113	43
«Молот»	38	112-146	33
«Динамо»	34	116-112	30
«Металлург»	32	89-115	27
Урицкий номли СК	36	129-158	27
СКА (К)	36	131-165	21
СКА МВО	34	104-176	13
«Локомотив»	34	87-173	13

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

✦ ҚЎЛ ТЎПИ. Олмаотада биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг иккинчи давра иккинчи тур ўйинлари давом этмоқда. Мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон жисмоний тарбия институти студентлари бугунгача уч марта майдонга чиқдилар. Вакилларимиз Таллиннинг «Иуд» коллективини 32:25 ҳисобида ютиб, Челябинскнинг «Полёт» командасига имкониятни [23:31] бой беришди. Краснодарнинг «Урожай» командаси билан ўйинда эса муваффақият [33:21] қозонилди.

✦ СУЗИШ. Тошкентдаги 110-мактаб сув бассейнида ўсмирлар ўртасида республика қишки чемпионати баҳслари бошланди. Дастлабки кун мусобақаларида навоийлик спорт мастери Наталья Чертова 110 метрга эркин усулда сузиш бўйича пешқадамлик қилди. Тошкентлик Н. Анисимова 200 метрга брасс усулда сузиб, ғолиблик қилди.

✦ КУРАШ. Наманганда республика XVIII спартакиадаси программаси бўйича ёшлар ўйинлари ўтказилмоқда. Бу ерда самбочилар ўзаро куч синашмоқдалар. Қарийб 200 курашчи иштирок этган мусобақада ҳозирча вазнларига кўра беш самбочи фахрли супага кўтарилди.

✦ ОҒИР АТЛЕТИКА. СССР оғир атлетика федерацияси юбилей йилининг энг кучли спортчилари номини эълон қилди. Ҳар бир вазнга кўра 10 нафардан полвон мамлакатнинг энг яхши атлетикачиси номига лойиқ кўрилди. Кучлилар орасида тошкентлик студент, 60 килограмм вазнли Э. Каримов, бухоролик, 82,5 килограмм вазнли Н. Бурнашев [«Меҳнат»] ва тошкентлик армиячи, 100 килограмм вазнли Г. Малярлар ҳам бор.

✦ ШАХМАТ. ГФРнинг Бад-Киссенген шаҳрида жаҳон чемпионлиги учун куч синашаётган даъвогарлар ўртасида саккизинчи партия дуранг натижа билан тугади. Ҳозирча М. Чибурданидзе — А. Кушнир ўртасидаги ҳисоб — 5:3.

МАШҚЛАРНИ УНУТМАЙ...

Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг пахтакорлар бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муборак Мажидовани меҳнатда ва спортда мураббий деб атайдилар. Юбилей йилида унинг бригадаси давлатга 245 тонна пахта топширди. Ҳозир кўкламги экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Иш кўп, лекин энг қизғин пайтда ҳам спортни унутмайдилар.

Ўтган йили бригаданинг барча аъзолари ГТО нишондори бўлишди. Ҳар ким ўзи ёқтирган спорт тури билан машғул. Муборакнинг ўзи волейболчилар билан шуғулланади, механизатор Хайрулла Насруллаев курашчиларга устозлик қилади. Колхозчи Ҳалима Ҳалилова эса қишлоқ спорт коллективи волейбол терма командасининг аъзоси. Бригадада ўзларининг шахматчилари, шашкачилари, енгил атлетикачилари бор.

Колхоз бригадаларида волейбол, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси секциялари ташкил этилган. Уларга жамоатчи тренерлар раҳбарлик қилишади. М. Мажидованинг ташаббуси билан ўйин майдончалари, футбол майдони, мерганлик тири, кураш зали, сузиш ҳовузи қурилди. 10 минг ўринли минбари бўлган янги стадион қурилиши ҳам бошланди.

«Маданият» колхозини кураш бўйича мастерлар тайёрлайдиган мактаб деб атайдилар. Шу «мактаб» тарбияланувчиларидан Усмон Шаропов, Фатхулла Холиқов, Бекмурод Рўзиевлар спорт мастерлари бўлдилар.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

13—19 ФЕВРАЛЬ

13 ФЕВРАЛЬ

ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Қувноқ стартлар». 10.40 — «Ташвишдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди» (бадиий фильм, 2-серия). 11.45 — «Ҳайвонот оламида». 15.00—Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Пушкин театри» (иккинчи кўрсатув). 16.30 — «Оналарнинг мактаби». 17.00 — «Қадимги шарқ санъати». 17.30 — «Орлёнок». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 19.45 — «Қора нон» (бадиий фильм, 5-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.40 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Актёрлар ва роллар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Операнинг ёш солистлари». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида. 22.15 — «Фарҳоднинг жасорати» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Керакли одам» (бадиий фильм) 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Биология. 21.00 — Чизма геометрия.

14 ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Юксак унвон» (бадиий фильм). 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — А. Макаренко ижоди. 16.45 — Ўсмирлар учун музикали кечалар. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Асл йигитлар». 19.10 — «Инсон ва қонун». 19.40 — «Андроников сўзи». 21.30—«Вақт». 22.00 — Концерт. 22.30 — Хоккей. «Динамо» (М) — ЦСКА.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.25 — «Бизнинг денгизчи юртдошларимиз». 18.50 — «Илғор тажриба мактаби». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — «Бола бошидан...». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Лирик концерт. 21.20 — «Врач суҳбати». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида. 22.15 — «Турнахон» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Эстетика. 19.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.00 — Олий математика.

15 ФЕВРАЛЬ

ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Мультфильмлар. 10.20 — «Қора нон» (бадиий фильм, 5-серия). 12.05 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Москваликларнинг ишчи кафолоти. 16.30 — «Горнчилар, қаердасиз?». 17.00 — Тўпли хоккей. «Динамо» (М)— «Зоркий» (К). 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Болаларга аталган шеърлар. 19.00 — «Биринчи советлар Ватанида». 19.35 — «Спортлото». 19.45 — «Қора нон» (бадиий фильм, 6-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.30 — Хоккей. «Крылья Советов» — «Химик».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химия. 12.00 — Болалар учун фильм. 12.30 — Химия. 13.00 — «Турнахон» (бадиий фильм). 17.55 — Концерт. 18.15 — Болалар учун спорт кўрсатуви. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — С. Отаев концерти. 20.00 — «Ахборот». 20.20 — Халқ контроли органларининг 60 йиллигига. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб». 22.10 — «Жудоликдаги йиллар» (телеспектакль, 1-қисм). 23.30 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Уралмаш» (Свердловск).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Қирол Лир» (бадиий фильм. 1-серия). 20.05 — Янгиликлар. 20.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.00 — Эстетика. 21.40 —Физика.

16 ФЕВРАЛЬ

ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Горнчилар, қаердасиз?». 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 6-серия). 12.10 — Концерт. 15.00 —«Меҳнатинг — иқболинг». 16.05 — «Ўз қаҳрамонингни кашф эт». 16.50 — «Шахмат мактаби». 17.20 — ГТО маршида. 17.50— Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.10 — «Миллионлар ленинча университети». 19.40 — Экран дўстларни чорлайди. 20.05 — «Қора нон» (бадиий фильм, 7-серия). 21.30— «Вақт». 22.00 «Балет ҳақида». 22.55 — Ҳужжатли фильмлар. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.30 — Зоология. 18.00 — Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди олдидан. 18.35 — Совет Армиясининг 60 йиллигига. 18.55 — «Чорвадор». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Жудоликдаги йиллар» (телеспектакль, 2-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Қирол Лир» (бадиий фильм, 2-серия). 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Назарий механика. 21.25 — Реклама. 21.35 — Физика.

17 ФЕВРАЛЬ

ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Концерт. 10.20 — «Қора нон» (бадиий фильм, 7-серия). 11.45 — Ёшлар адреслари. 15.00 — Бугунги Венгрия (кинопрограмма). 16.00 — Жонажон табиат. 16.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.50 — Халқ чолғу оркестри чалади. 17.20 — «Москва ва москваликлар». 17.50— Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Қувноқ ноталар». 19.00 — «Мактаб ва ҳаёт». 19.30 — «Уйқудаги гўзал» балетига ёзилган сюита. 19.50 — «Қора нон» (бадиий фильм, 8-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 23.20 — Хоккей. «Спартак» —«Трактор».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — «Светофор». 13.00 — «Еввойи ит Динго» (бадиий фильм). 18.00 — «Оқ автомобиль». (телефильм). 18.25 — «Ёшлик». 18.55 — Қишлоқ ишлаб чиқариш кадрлар. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Жудоликдаги йиллар» (телеспектакль, 3-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Француз тили. 19.30 — Пойтахт области далаларида. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Концерт. 21.15 — Химия.

18 ФЕВРАЛЬ

ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 8-серия). 12.05 — «Тонгги почта». 12.40 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.10 — Теннис бўйича Бутуниттифоқ мусобақаларининг финали. 13.45 — «Темур ва унинг командаси» (бадиий фильм). 15.00 — «Здоровье». 15.45 — М. Равель. «Вальс». 16.00 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 17.00 — Хоккей. ЦСКА— «Химик». 19.15 — Мультфильмлар. 19.35 —Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.05 «Тунги шуъла» (фильм-спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.05 — Чет эл эстрадаси оҳанглари. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўқувчилар учун концерт. 11.05 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 11.35 — «Ёшлик». 12.05 — «Одам-амфибия» (бадиий фильм). 13.40 — Ота-оналар учун консультация. 14.10 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 14.50 — «Спортивный Узбекистан». 15.15 — «Замандас». 17.40 — Мультфильм. 17.55 — Болалар учун концерт. 18.25 — «Замондош билан юзма-юз». 18.45 — «Ораста кийининг». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — «Цирк майдонига йўл» (бадиий фильм). 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Жудоликдаги йиллар» (телеспектакль, 4-қисм). 23.30 — «Қорлар кетганда» (телебадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Душанба кўрсатувлари.

19 ФЕВРАЛЬ

ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Зарядкага сафланинг. 9.55 — «Музикали киоск». 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Темир эшик сири» (бадиий фильм). 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — М. Горький. «Достигаев ва бошқалар» (фильм-спектакль). 17.10 — Халқаро панорама. 17.40— Музикали программа. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 — Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Сизнинг фикрингизча. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — «Энг қадимги эртак» (бадиий фильм). 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — Ўқувчилар учун концерт. 14.15 — Ота-оналар учун консультация. 14.45 — «Оналар мактаби». 15.15 — Адабий кўрсатув. 15.45 — Реклама. 17.40 — Ёзувчилар-болаларга. М. Осим. 18.15 — Концерт. 18.55 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Музика жавони. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — «Қирғизистон қиши» (телефильм). 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Дворянлар уяси» (бадиий фильм).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/II да **Бир актли балетлар**, 12/II да **Золушка** (12.00), **Борис Годунов** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да **Кўрмайин босдим тиконни**, 12/II да **Қиёмат қарз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/II да **Тошболта ошиқ** (17.00 билетлар сотилган), 12/II да **Она қизим**, 13/II да **Ҳижрон**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ТАНИҚЛИ МАСХАРАБОЗЛАР СТАНИСЛАВ ШЧУКИН ВА ВАЛЕРИЙ СЕРЕБРЯКОВЛАР ИШТИРОКИДА ЯНГИ ПРОГРАММА

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қуролланган ва жуда хавфли** (катта зал), **Севги синови** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қуролланган ва жуда хавфли — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00), «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Порлоқ келажакка чақириқ — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Никоҳ эълони бўйича танишув — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ечилмаган жумбоқ — «ИСКРА» (19.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 21.00).

●

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРИ-ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим кичик илмий ходими: социал-гигиена ва илмий-ташкилий-методика бўлими;

гипслаш филиалининг катта илмий ходимлари (2 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 9 МАРТГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700015, Тошкент шаҳри — 15, Қафанов кўчаси, 104-уй.

●

«Узбекконцерт»
ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА
11, 12 февраль соат 20.00 да

ТАТАРИСТОН ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ТАТАРИСТОН АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ГАБДУЛЛА РАҲИМҚУЛОВ

Солистлар: Ҳ. ТЕМИРГАЛИЕВА, Р. ХАЛИУЛИНА, Р. САЛЯКОВ.

«ДЎСТЛИК» ИНСТРУМЕНТАЛ АНСАМБЛИ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

●

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

I-«УЗБЕКСВЯЗСТРОЙ» ТРЕСТИ

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни ва 8—10-синф ҳажмида маълумотли қизларни

КАБЕЛЧИ-ҚАЛАЙЛОВЧИ ВА СТАЦИОНАР УСКУНАЛАР МОНТАЖЧИСИ КАСБИГА ЎҚИТИШ УЧУН

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — МАРТ—АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида 75-80 сўмдан стипендия берилади.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАЛАРИ ВА КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННАЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ўқиш даврида ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «50 лет Профсоюзов» кўчаси, 3-уй (собиқ Қорасарой проезди, 1-уй). Телефонлар: 48-28-50, 48-27-53.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институти коллективи институтнинг сектор мудири К. К. Комиловга акаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер

Турсун Комилович КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35—Гимнастика. 9.55 — Буратино кўргазмаси. 10.25—«Қора нон» (бадиий фильм, 4-серия). 12.15 — Ота-оналар, сизлар учун. 12.45 — «Тонгги почта». 13.10 —Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 13.45 — «Ҳайвонот оламида». 14.45 — «Здоровье». 15.15 — «Ташвишдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди» (бадиий фильм, 2-серия). 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Хоккей. «Крылья Советов» — «Спартак». 19.15 — Концерт. 19.55 — Фильм-спектакль. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.50 — Концерт. 11.20 — Илҳом. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — У. Азимов. Оқ шарпа. (телетеатр). 17.50 — Юлдузча. 18.15 — Совет Армиясининг 60 йиллигига. 18.45 — Ота-оналар университети. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Кино оламида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Н. Пўлатова куйлайди. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ораста кийининг. 22.20 — «Севги қиссаси» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.15 — Душанба кўрсатувлари.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бир жуфт қўшиқ. 9.30 — Эстрада концерти. 10.30 — Ёшлик. 11.15 — Дугоналар. 12.00 Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари. 13.30 — Концерт. 14.00 — Эфирда Самарқанд области. 15.40 — Ўнинчи беш йиллик йилномаси. 16.10 — Музикали радиопочта. 17.30 — Уйғур куйларидан концерт. 18.00 — Партия ходими минбари. 18.10 — Спорт эшиттириши. 19.20 — Ёшлик. 20.25 — Музикали глобус. 21.00 — Олтин водий қўшиқлари. 22.00 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 22.30 —С. Ризаев. Чили халқи курашмоқда. 22.40 — Ҳ. Султонов куйлайди. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19. марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42 ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42. Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Справка олиш учун — 33-02-92.

Р. — 06730. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 36.